БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 182 (673)

15 СЕНТЯБРЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг ҚПСС Чкалов область комитети ва область ижроия комитетига юборган табриги (1-бет).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси Хитой Коммунистик партиясининг съездига жўнаб кетди (1-бет).

Пахта йиғим-теримида ҳар бир соатдан тўла ва унумли фойдаланайлик! (1-бет).

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА (1-бет).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА (1-бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: **Н. Кандрашева, А. Миронов, В. Ястребков.** — Уй-жой ремонти кечикмоқда (2-бет).

А. Абдуазимов. — Оҳангарон ГРЭС қурилишини тезлаштирайлик (2-бет).

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ ОЛДИДАН: **В. Жутов, М. Дашков.** — Ижодий ташаббускорликни кенг қулоч ёйдирайлик (2-бет).

Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш — умумхалқ иши! (3-бет).

Мисрнинг суверенитети дахлсиздир (4-бет).

Женева битимлари сурбетларча бузилмоқда. (4-бет).

Умум палатасида Сувайш канали масаласи юзасидан музокаралар тамом бўлди (4-бет).

Областимизда (4-бет).

Маҳаллий советларнинг йиғим-терим давридаги вазифалари

Областимиз колхозлари ва совхозларида бутун йил мобайнида фидокорона меҳнат қилиб етказилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва уни давлатга топшириш иши кундан-кун қизиб бормоқда. Партия ва ҳукуматнинг пахтачиликни янада ривожлантириш ва колхозчиларнинг пахтадан юқори ҳосил олишдан моддий манфаатдорликларини ошириш ҳақида қилаётган ғамхўрликларидан руҳланган пахтакорлар ғайратдарига-ғайрат қўшиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Пахта йиғим-терими — пахтачиликда энг масъулиятли даврдир. Пешона тери билан етказилган мўл ҳосилнинг тақдири худди шу давр ҳал этилади. Шундай экан, пахта йиғим-терими даврида барча ишлар бир меёрда, уюшқоқлик билан олиб борилса пахта терими шунчалик муваффақиятли ўтади, давлатга пахта топшириш плани муддатидан анча илгари бажарилади. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган III-Пленуми пахта йиғим-терими даврида колхоз, совхоз ва МТС лардаги мавжуд бўлган барча куч ва воситалардан, бой техникадан тўла ва унумли фойдаланиш зарур эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Пленум йиғим-терим даврида областимизнинг партия ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари билан бир қаторда совет ташкилотлари олдида турган вазифаларни белгилаб берди.

Пахта йиғим-терининг муваффақиятли ўтишини таъминлашда теримга барча воситаларни сафарбар этиш катта аҳамиятга эга. Шунга кўра кўпгина қишлоқ ва район Советлари район партия комитетлари раҳбарлигида пахта теримида барча имкониятларни ишга солиб катта муваффақиятга эришмоқдалар. Бироқ айрим қишлоқ ва район Советлари пахта теримини шу куннинг талабига мувофиқ даражада уюштира олмаётирлар. Улар пахта терими машиналарини шу вақтга қадар теримга тайёрламадилар. Оржоникидзе, Оққўрғон, Октябрь, Верхне-волинск, Пискент район ижроия комитетлари бу йил областда 65 минг гектар ерлаги пахтанинг машинада терилишини билганлари ҳолда, пахтани машинада теришга тайёргарлик кўриш ишига қониқарсиз раҳбарлик қилаётирлар.

Оржоникидзе МТСида пахта терими машиналарини ремонт қилиш иши айниқса ёмон аҳволда. 33 та СХМ—48 ва 20 та СХМ—48 М пахта терими машиналарининг деярлик ҳаммаси то шу кунгача ремонт қилинмай ётипти. Пискент МТСида ҳам аҳвол худди шундай. Бу фактлар шуни кўрсатадики, мазкур район ижроия комитетлари ва уларнинг раҳбарлари пахта ҳосилини териб олиш комплексида пахта терими машиналарига етарли баҳо бермаслиққа қарши жиддий курашмай, пахтани машинада теришни уюштиришда ўтган йилги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймоқдалар.

Йўлларни ўз вақтида ремонт қилиб тартибга келтириш — пахта теримини тўғри ташкил этишда, терилган пахтани нобуд қилмай давлатга етказиб беришда, умуман йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказишда катта роль ўйнайди. Бу соҳада Қуйи Чирчиқ, Боёвут ва бошқа айрим районларда яхши натижаларга эришилган бўлса-да, умуман олганда, область бўйича аҳвол ҳали қониқарли эмас. Йўлларни ремонт қилиш плани атиги 10 процент атрофида бажарилган. Йўл хўжалигини ремонт қилиш — ер қазиш ва шағал ётқизиш ишлари айниқса Ховос, Пискент, Оққўрғон районларида ачинарли аҳволда. Шундай бўлишига қарамай, бу районларнинг ижроия комитетлари, йўл қурилиши бўлимлари ва ниҳоят, район Советларининг йўл қурилиши доимий комиссиялари бу муҳим вазифага масъулиятсизлик билан қараб келмоқдалар.

Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг вазифаси пахта теримида содир бўлаётган камчиликларни дарҳол тугатишдан, пахта териш машиналарини ремонт қилишдаги сусткашликка барҳам беришдан, бу соҳада ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг такрорланмаслигига ва пахта йиғим-терими кампаниясини ғоят уюшқоқлик билан ўтказишга эришишдан иборатдир.

Пахта терими даврида бевосита колхозчилар ўртасида савдо хизматини яхшилаш йўли билан пахтакорларни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан ўз вақтида таъминлаб туриш катта аҳамиятга эга бўлган ишдир. Далада ишлаётган ҳарбир колхозчи, МТС ва совхоз ишчисининг маданий ва маиший эҳтиёжларини энг яхши қондиришга, улар ўртасида маданий-оқартув ишларини қизитишга, уларга намунали медицина хизмати кўрсатилишига эришиш — маҳаллий Советларнинг вазифасидир.

Пахта терими даврида қишлоқ ва район Советлари доимий комиссияларининг масъулиятлари янада ортади. Улар пахта териш машиналарининг иши устидан доим контроль қилиб туришлари, колхоз ва совхозларда пахта териш қай даражада ташкил этилгани билан, ички имкониятлардан қандай фойдаланилаётгани билан, шунингдек меҳнат интизоми масалаларини билан мунтазам суратда шуғулланишлари керак.

Оммаиинг ижодий ташаббусига бошчилик қилиш, пахта терими илғорларининг иш методини оммалаштириш, пахта тайёрлаш планини Октябрь Революциясининг 39 йиллигигача бажариш учун социалистик мусобақа байроғини юқори кўтариш маҳаллий Советларнинг шарафли бурчидир. Шунга эришилсинки, бевосита пахта теримида иштирок этмаётган, ўз иши билан бошқаларга намуна бўлмаётган, социалистик мусобақадан четда қолган бирорта ҳам депутат қолмасин. Маҳаллий Совет депутатининг ўрни пахта терминнинг энг масъулиятли участкасида — даланинг ўзидадир.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари пахта теримига алоқадор бўлган барча масалаларга доим эътибор бериб боришлари, пахта теримининг сусайишига ёз бўлса ҳам таъсир қиладиган ҳар қандай камчиликларни тезлик билан бартараф этиш чорасини кўришлари, пахта теримига изчил ва оперативлик билан раҳбарлик қилишлари керак. Пахта териш ва уни давлатга топширишни сифатли ва уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари ижроия комитетнинг асосий диққат марказида бўлиши керак. Пахта теримига пухта тайёргарлик кўриб, уни намунали ўтказиш, барча пахтакорлар ўртасида социалистик мусобақани янада кучайтириб, областимизнинг колхоз ва совхозларида пахта тайёрлаш давлат планини партия томонидан белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш маҳаллий Советларнинг жанговар вазифасидир.

КПСС Чкалов область комитетига ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети давлатга дон топшириш ва сотиш юзасидан олинган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилганлиги билан Чкалов областининг колхозчиларини, МТС ва совхозларнинг ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия ва совет ходимларини ҳамда барча меҳнаткашларини табриклайдилар.

Катта қўриқ ер майдонларини ўзлаштирган Чкалов областининг колхозлари, МТС ва совхозлари дон етиштиришни кўпайтиришда катта ютуқларга эришдилар, бу йил яхши ҳосил етиштирдилар, дон экинлари ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва мамлакатни галла билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Чкалов области қишлоқ хўжалик ходимларининг намунаси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди томонидан ҳар йили олинадиган ялпи дон ҳосилини 11 миллиард пудга етказиш юзасидан қўйилган вазифани тезроқ ҳал этиш учун мамлакатимизнинг колхозлари ва совхозлари ғоят катта резервларга эга эканликларини кўрсатади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Пахта йиғим-теримида ҳар бир соатдан тўла ва унумли фойдаланайлик!

☆ ☆ ☆

МЕҲНАТСЕВАР ЧОЛ



Сувонқул ота Мавлоновни колхозда каттадан-кичик иззат-ҳурмат қилади. Ота меҳнатсевар, ёшларга ҳам, кексаларга ҳам бир хилда хушмуомала. У, меҳнат қилмаса туролмайдиган чоллардан. Сувонқул ота меҳнат инвалиди бўлишига қарамай, ҳамма вақт колхоз ишига актив қатнашади. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти отага:

— Раҳмат, колхозга жуда кўп меҳнатингиз сингди, энди бемалол юраберинг, биз Сизга пенсия тайинлаганмиз, — деди.

Ота бу ғамхўрликдан жуда миннатдор бўлди, лекин у ҳазиллашиб:

— Ишга қатнашиб турсам майлими, — деб сўради. Кишилар бу сўзлардан хурсанд бўлиб кулишди, ёрдам берсангиз йўқ демаймиз, деб ҳазиллашишди.

Мана, ҳозир колхозда пахта терими жуда қизғин бормоқда. Каттадан-кичик далада. Сувонқул ота ҳам ўз кампири билан бошлашиб пахта теримига чиқди. Ҳозир улар икковлан тоҳ куни 90 килограмм пахта теришса, баъзи кунлари 100 килограммга ҳам етказишаяпти.

Пискент районидаги Калинин номли колхоз правлениеси, партия ташкилоти ва барча колхозчилар улардан жуда хурсанд.

Суратда: Сувонқул ота Мавлонов.

Б. Мизрохин фотоси.

Илғорлар тажрибасини кенг оммалаштирайлик

Чиноз. Сталин номли колхозда пахта терими суръати тезлашиб, кейинги кунларнинг ҳар бирида планнинг бир процентидан ошириб пахта топширилмоқда. Бунинг сабаби шуки, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-терим ишларини тўғри уюштириб, теримчилар учун барча шароитни яратиб берганлар.

Колхозчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишлар яхши йўлга қўйилиб, мусобақа шартларининг бажарилиши мунтазам равишда якунланиб турипти. Бунда илғор бригада ва звеноларга колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғи берилиши билан бир қаторда, улар тажрибаси оммалаштирилмоқда, қолоқларни илғорларга етказиб олиш тадбирлари кўрилмоқда.

Иш сифатини яхшилаш мақсадида терилган пахталар сортига қараб ҳисобга олиниб, шу асосда теримчиларга ҳақ тўланмоқда. Бу тадбир теримчиларнинг ташаббусини янада ошираётир.

Колхознинг ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган ўртоқ Орифжон Рўзиев бошлиқ бригада аъзолари пахта теримини ғоят тезлаштириб юборди-лар. Улар ҳар куни графикдаги 840 килограмм ўрнига камида 1500, айрим кунларда ҳатто 1700 килограммдан ҳам пахта топширмоқдалар. Бригаданинг Зойда Қазимова, Мелихон Орифжонова, Тўхтахон Нишоновалар каби ўн минг килограммчилари ҳозир кунига кормани 2-2,5 баравар қилиб бажармоқдалар. Умуман, бригада аъзолари терим суръатини янада ошириб, йиллик пахта тайёрлаш планини 1 октябргача бажариш учун курашмоқдалар.

Шунингдек, райондаги Ворошилов номли колхознинг ўртоқ А. Эргашев, Ленин номли колхознинг ўртоқ А. Йўлатов бошлиқ бригада аъзолари ҳам мусобақа байроғини баланд кўтариб, пахта йиғим-терими ишларини борган сари кучайтираяптилар. Ўртоқ Эргашев бригадасининг моҳир теримчиларидан Ҳосият Алимназарова, Шарофат Юнусова ва Тошбуви Юнусовалар ҳар куни хирмонга 100 килограммдан ошириб пахта топширмоқдалар. Ўртоқ Йўлатов бошлиқ бригадада Бувитой Пардабоева, Иқбол Йўлдошева, Халима Холматовалар 135-140 килограммдан пахта тераётирлар.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, районнинг ҳамма колхоз ва бригадаларида ҳам терим суръати бирдай ошиб бораётир деб бўлмайди. Масалан, Оржоникидзе номли колхознинг 5-бригадасида терим суръати жуда паст, кунлик график бажарилмаётир. Бунинг сабаби шуки, бригадада терим ишларига тайёргарлик кўрилмаган. Ҳали ҳам хирмонлар тайёр эмас. Бригадага бириктирилган 83 кишидан фақат 15-18 киши теримга чиқмоқда. Ҳаммадан ачинарли нарса шуки, ўтган йилларда мавсумда 10-15 тоннадан пахта териб келган уста теримчилардан Б. Бобоёрова, Н. Мирзаахмедова каби ўртоқлар шу кунгача теримга чиқмаганлар. Аммо бригада бошлиғи ўртоқ Тўлаган Бўриев бунга жиддий эътибор бермаётир.

Колхоз правлениелари ва партия ташкилотлари илғор бригадалар тажрибасини кенг ёйишлари, қолоқ бригадаларга ёрдам бериб, уларнинг ишидаги камчиликларни тугатишлари, пахта теримини ҳамма жойда тез суръат билан олиб боришни таъмин этишлари керак.

А. Қурбонов, У. Каримов, А. Мирзаахмедова, Х. Мусурмонқулов, А. Йўлдошев.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 14 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Оҳангарон	1,8	21,03	Сирдарё	1,27	12,66
Пискент	1,53	19,56	Бўстонлиқ	2,24	12,56
Мирзачўл	1,44	14,94	Оққўрғон	1,34	12,15
Бўка	1,52	14,54	Бекобод	1,03	11,83
Юқори Чирчиқ	1,72	14,27	Чиноз	1,20	11,49
Ўртасарой	1,54	13,86	Боёвут	0,99	11,33
Верхне-волинск	1,38	13,47	Ўрта Чирчиқ	1,20	11,08
Оржоникидзе	1,53	13,38	Октябрь	1,04	10,33
Гулистон	1,27	13,02	Калинин	0,79	8,41
Янгийўл	1,22	13,00	Қуйи Чирчиқ	1,04	7,24

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 14 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
6-«Кўқорол»	1,52	18,57	4-«Боёвут»	1,00	9,64
Булганин номли	1,01	16,67	3-«Боёвут»	0,81	9,44
«Дружба»	0,95	12,09	1-Далварзин»	0,98	9,11
2-«Далварзин»	1,05	10,73	«Оққўрғон»	1,26	8,25
1-«Боёвут»	1,86	10,35	«ЎзССР беш йиллиги»	1,04	7,24
4-«Вревский»	1,22	10,31	«Малик»	0,65	6,56
1-«Фарҳод»	0,74	10,30	Бушуев номли	047	5,47

Юксак унум билан ишламоқдалар

СИРДАРЁ, (ЎзТАГ). Сирдарё районидаги колхозларда оммавий пахта терими авж олди. Механизаторлар ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриб бўлмоқдалар. Пахта териш машиналари далаларга чиқарилмоқда. Трактор билан ишлайдиган пуркагич-чанглагич аппаратлари ва қишлоқ хўжалик авиацияси самолётларининг ёрдами билан ғўза барглариии тўкиш ишлари қизитиб юборилди.

Охунбобоев номли қишлоқ хўжалик артели дала ишлари суръати жиҳатидан районда энг олдинда бормоқда. Колхоз ҳозирдаёқ тайёрлаш пунктига йиллик планнинг 10 процента миқдорида пахта топширди. Бу миқдор графикда кўзда тутилганидан анча кўпдир. Теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, илғорлар тажрибасини пропаганда қилинаётганлиги ишнинг юқори суръат билан боришига кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда. Масалан, ҳар куни 200 килограммдан пахта тераётган комсомол аъзоси Аброр Раҳимовга бир ҳафтада ишлаган меҳнат кунлари учун 300 сўм пул ва 40 килограмм буғдой берилди. Колхоз радио узелининг эшиттиришларида пахтани жадал териш тажрибаси кенг ёйилмоқда. Пахтани жадал тарувчилар баъзи бригадалардаги оркада қолаётган участкаларга бориб, ҳосилни қандай қилиб тез ва нобуд қилмай териб олиш кераклигини амалда кўрсатиб бермоқдалар.

ВЦСПС Президиумида

Болаларни тарбиялашда касаба союзларнинг мактабларга ёрдам бериши

ВЦСПС Президиумининг мажлисида «Янги 1956-1957 ўқув йилида болаларни тарбиялашда мактабларга ёрдам бериш соҳасида касаба союз ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Қабул қилинган қарорда айтилишича, кўпгина касаба союз ташкилотлари болаларни тарбиялашда мактабларга актив ёрдам бермоқдалар, бу ишга кенг активни жалб этмоқдалар. Касаба союзларнинг клубларида ва Маданият уйларида 2000 дан кўп болалар секторлари ва ёш техниклар тўгараклари ташкил этилган, 187 спорт мактаби ва 1000 дан кўп болалар кутубхонаси очилган. Болалар учун систематик суратда эрталиклар, киносеанслар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. 500 мингдан кўп мактаб ўқувчилари бадиий, техника тўгаракларида ва ёш табиатшуносларнинг тўгаракларида шуғулланмоқдалар. Пионер лагерларининг сони йилдан йилга кўпаймоқда.

Шу билан бирга касаба союз ташкилотларининг болаларни тарбиялашда мактабларга ёрдам бериш соҳасидаги ишлари умуман етарлик эмас, деб топилди. Касаба союз ташкилотларининг айримлари болаларнинг қаровсизлигини кўрсатувчи фактларга баъзан эътиборсиз қарайдилар, мактабларнинг эҳтиёжларига, ўқувчиларнинг маданий дам олишини ташкил этишга бепарво қарайдилар, ота-онаси бўлмаган ўсмирларни жойлаштириш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмайдилар. Болаларни тарбиялаш масалалари умумий йиғилишларда кам муҳокама қилинмоқда.

ВЦСПС Президиуми касаба союзлар советларига халқ маорифи бўлимлари билан биргаликда яқин вақт ичида ҳар бир мактабнинг оталикка олинишига эришиш вазифасини юклади. Фабрика-завод комитетлари ва маҳаллий комитетларга отаоналари бўлмаган болалар ва ўсмирлар тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, уларни болалар уйларига, интернат-мактабларга, меҳнат резервлари системасидаги ўқув юртларига, шунингдек корхоналарда ишлашга жойлаштиришга ёрдам бериш таклиф этилди.

ВЦСПС Президиуми Дзержинский номидаги «Трехгорная мануфактура» комбинати ва «Омскстрой» тресті касаба союз ташкилотларининг (нефть саноати ишчилари касаба союзи) ҳамда хўжалик ходимларининг ташаббусини маъқуллади. Бу корхоналарнинг касаба союз ташкилотлари ва хўжалик ходимлари отаоналари ишда бўлган вақтда қаровсиз қоладиган 1-4-синф ўқувчилари учун ўқувчилар хоналарини ташкил қилганлар.

Касаба союз комитетларига корхона раҳбарлари билан биргаликда шу йил сентябрь-октябрь ойларида клублар, маданият уйлари ва саройлари ҳузурида, шунингдек ишчи поселкаларида ва умумий ётоқхоналар ҳузурида ўқувчилар хоналарини очиш, бу хоналарга келувчи ўқувчилар учун иссиқ овқатлар тайёрланишини ташкил этиш таклиф қилинди.

Касаба союз ташкилотлари, клубларнинг, маданият уйлари ва саройларининг правленнелари болалар билан мактабдан ташқари олиб бориладиган ишни яхшилашлари, улар учун эрталиклар ва кечалар, энг яхши ишлаб чиқарувчилар билан учрашувлар ўтказишлари, бадиий, техника, ишлаб чиқариш тўгаракларини ва бошқа тўгаракларни кўпроқ ташкил этишлари лозим, токи буларнинг ҳаммаси ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини ҳал этишга ёрдам берсин. (ТАСС).

Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси бу йилги пахта ҳосилини тез фурсатда териб олиш ва давлатга топшириш юзасидан шаҳарлар аҳолиси ўртасида бошланган социалистик мусобақани янада кучайтириш мақсадида ҳосилни йиғиб-теришда яхши кўрсаткичларга эришган коллективларга бериш учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Пахта йиғим-терининда актив қатнашаётган шаҳарликларга бериш учун 4 та кўчма Қизил байроқ таъсис этилди.

Кўчма Қизил байроқларнинг бири областнинг Тошкент, Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларига, иккинчиси Тошкент шаҳарининг Октябрь, Фрунзе, Марказий, Ленин, Куйбишев ва Киров районларига, учинчиси институтлар, техникумлар ва меҳнат резервлари ўқув юртларига ва тўртинчиси ўрта мактабларнинг коллективларига берилади.

Шаҳар ва район ҳамда ўқувчиларнинг илғор коллективларига кўчма Қизил байроқ билан бирга пахта йиғим-теримида алоҳида ташаббус кўрсатган меҳнаткашлар, студент ва ўқувчиларни мукофотлаш учун 5 минг сўм миқдорида пул ҳам кўшиб берилади.

Кўчма Қизил байроқлар қишлоқ район партия комитетлари ва ижроия комитетларининг тақдимига мувофиқ ҳар ўн кунда берилиб турилади. Бунда ўтган ўн кунликдаги пахта йиғим-терими ишлари якуни асос қилиб олинади.

Ўқув юртлари ва мактаблар коллективига кўчма Қизил байроқ шу йилнинг 20 сентябридан бошлаб, шаҳарлар ва Тошкент шаҳар районларидан пахта йиғим-теримига жалб этилган аҳолига эса 1 октябрдан бошлаб берилади. Бунда пахта йиғим-терими юзасидан берилган топшириқларнинг сифатли бажарилиши эътиборга олинади.

Область ижроия комитети ҳузурида социалистик мусобақа якунларини ҳисобга олиш ва кўчма Қизил байроқларни олишга муносиб деб топилган кандидатларни тақдим этиш учун махсус оператив группа ташкил этилди.

* * *

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети каноп ва жут экинлари ҳосилини тез йиғиштириб олиш юзасидан МТСлар ҳамда колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1 сентябрдан 10 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ районидаги 2-МТСга** (МТС директори ўртоқ **Моргунов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Тўрабеков**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Дё**) берилсин. Бу МТС ўтган ўн кунликда олинган мажбуриятнинг 22,3 процента миқдорида каноп пояси топширган, каноп-жут топшириш юзасидан олган мажбуриятини 72,3 процент бажарган, топширилган луб экинлари маҳсулотининг юқори сифатли бўлишини таъминлаган.

2. Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозига** (колхоз раиси ўртоқ **Хван**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Ким Сан-Фир**) берилсин. Бу колхоз ўтган ўн кун ичида олинган мажбуриятнинг 40 процента миқдорида каноп пояси топширган, каноп-жут тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятини 115,8 процент бажарган, топширилган луб экинлари маҳсулотининг юқори сифатли бўлишини таъминлаган.

Область ижроия комитети ва область партия комитети каноп ва жут етиштириш ҳамда унинг ҳосилини йиғиштириб олишда Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли, «Ленинский путь», Маленков номли ва Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли, Ленин номли колхоз, шунингдек Қуйи Чирчиқ районидаги 2-МТСнинг яхши ишлаганлигини қайд қилиб ўтилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси Хитой Коммунистик партиясининг съездига жўнаб кетди

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ, Хитой Коммунистик партиясининг VIII съездида меҳмон сифатида қатнашиш учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг делегацияси шу йил 14 сентябрда Пекинга жўнаб кетди. Делегация составида А. И. Микоян (делегация раҳбари), Н. А. Мухитдинов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, П. А. Сатюков ўртоқлар бор. Ҳозирги вақтда Пекинда бўлган ўртоқ П. Ф. Юдин ҳам делегация составига киради. (ТАСС).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

УЙ-ЖОЙ РЕМОНТИ КЕЧИКМОҚДА

Ёзнинг жазирама иссиқ кунлари тамом бўлиб, куз кирди. Сентябрь қишга тайёргарлик кўришнинг якунловчи ойидир. Ҳар кун, ҳар соат ғанимат, отни қамчилаш керак.

Биз Киров районидаги уй-жой фондини ремонт қилиш ва қишга тайёрлаш қандай кетаётганлиги билан танишиш мақсадида район уй-жой бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Максимчук билан суҳбатлашдик. Ўртоқ Максимчук бу соҳада анчагина тадбирлар амалга оширилганлигини сўзлаб берди ва бизга Урицкий кўчасидаги 27- уйга боришни маслаҳат қилди.

— Ремонт ишларининг қандай кетаётганлиги билан ўша ерда танишсангиз бўлади, сифатини ҳам текшириб кўриш мумкин.

Биз Ўртоқ Максимчук тавсия этган объектда бўлдик. Бироқ аҳвол район уй-жой бошқармасининг бошлиғи айтгандай бўлиб чиқмади. Бу ерда ремонт ишлари билан шуғулланувчи биронта ҳам ишчини қидириб топа олмадик. Мактанганнинг уйига бор..., деб шуни айтадиларда! Бизнинг таажжубланаётганлигимизни кўрган уй бошқарувчиси Ўртоқ Аҳмедов изоҳ бера бошлади:

— Бу ерда ремонт ишларини бажараётган ишчиларни иш тугамасдан туриб, район уй-жой бошқармасининг раҳбарлари бошқа объектга олиб кетдилар.

Квартира эгаларидан Йўлдошева ва бошқа Ўртоқларнинг айтишига қараганда, ремонт ишларининг қандай кетаётганлигини текшириш учун бу ерга деярли ҳар куни бирорта комиссия келади. Бироқ бу комиссияларнинг келиб-кетишидан ҳеч қандай натижа чиқмаётир. Ремонт ишлари ўлда-жўлда бўлганича қолиб кетмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бажарилган ремонт ишларининг сифати талабга тўла жавоб бермайди. Масалан, 63- квартирани олиб кўрайлик. Балконга олиб чиқадиган эшик чириб кетган. Уни олиб ташлаб, ўрнига янги эшик ўрнатиш зарур. Бироқ ундай қилинмаган. Чалакам-чатти, майда ремонт қилиниб, устидан бўяб қўяқолинган. Ҳўл тахтадан пол қилинган, улар олифланмаган ва шпаклевка қилинмаган. Уйнинг томидаги черепица алмаштирилиши лозим.

Бошқа уй-жойларни ҳам ремонт қилиш ишлари жуда суст бормоқда. Масалан, Энгельс кўчасидаги 41-уйда ишлаётган 3 кишидан иборат бинокорлар бригадаси қарийб икки ой мобайнида пландаги 11 квартирадан бор-йўғи 3 квартирани ремонт қилган.

— Ишнинг бу қадар сусайиб кетаётганлигига сабаб шуки, — дейди бригада бошлиғи Ўртоқ Симахин, — олиф, ёғоч, томга ёпиладиган материаллар, бўёқ ва шунга ўхшаш зарур материаллар ўз вақтида етказиб берилмаётир. Шунинг учун биз мўлжалланган ишларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажара олмаётирмиз. Агарда район ремонт-қурилиш конторасининг раҳбарлари бундан кейин ҳам шу тартибда ишлайдиган бўлса, куз тугаб ёмғир-қор бошлангунча ҳам ремонт ишларини тугата олмаймиз.

Худди шундай аҳволни Чимкент трактилаги 36- уйда ҳам кўриш мумкин. Бу ерда ишлаётган ишчилар ҳам алибастр, дераза ойнаси, бўёқ каби материалларнинг етишмаслигидан шикоят қиладилар.

Уйларни ремонт қилиш графиклари систематик равишда бузилмоқда. Бу йил районда 43 та объект ремонт қилиниши керак. Ваҳоланки, шу кунгача бор-йўғи 14 та объект қўлдан чиқарилган. Ремонт қилинган объектларнинг кўпчилигида жиддий камчиликлар бўлса ҳам, қабул қилиш комиссиялари уларга эътибор бермаганлар. Жумладан, Лугина кўчаси 30- уйдаги Петрова, Вакс ўртоқларнинг квартиралари тўла ремонт қилинмаган. Томдан чакка ўтади, шиппинг айрим жойлари чириган, печлари бузуқ. Шунингдек, Лугина кўчасидаги 10, 114 ва бошқа уйларда ҳам шунга ўхшаш жиддий камчиликлар аниқланди. Қабул қилиш комиссиясининг аъзолари эса квартира эгалари билан суҳбатлашмасдан ва бажарилган ишнинг сифатини яхшилаб текширмасдан туриб, актга қўл қўйиб юбораверганлар.

Биз 5- гишт заводлари бошқармаси (директори Ўртоқ Хусанов)га қарашли уй-жой фондини ҳам текшириб чиқдик. Бу ердаги кўпгина квартиралар жиддий ремонтга муҳтож. Масалан, 165- баракнинг деворларини, олтита эшикни, полларни, 128- баракда эса томни ва 2 эшикни ремонт қилиш лозим. Шунингдек 169- барак, 134- уй, Киев, Кутузов, Чимкент тракти кўчаларидаги уйлар ҳам ремонтга муҳтож. Бироқ завод директори Ўртоқ Хусанов ва уй-жой коммунал бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Соколов ёғингарчилик бошлангунча юқоридаги камчиликларни тугатиш чораларини кўрмаётирлар. Ремонт ишлари ёнаётган ёвосита шуғулланувчи ва бу ишларга раҳбарлик қилувчи Ўртоқ Соколов ҳатто уй-жой фондини ремонт қилиш учун қанча маблағ ажратилганлигини ва объектларнинг бинокорлик материаллари билан қай даражада таъминланганлигини ҳам билмайди.

4- гишт заводлари бошқармасида (директори Ўртоқ Усов) уй-жой фондларини ремонт қилиш суръати бундан ҳам ёмон. Жумладан, Лабзак кўчасидаги икки қаватли 37-уйда зинапоялар жуда ёмон аҳволда, кўпгина хоналарнинг сувоғи тушиб кетган, дераза рамларининг айрим жойлари чириган. 18- баракдаги айрим квартираларнинг поллари янгиланиши, томлари эса ремонт қилиниши керак. Ўртоқ Усов эндигина ремонт ишларини бошлаш ҳақида кўргазма берди. Ҳозир бу кўргазма асосида ремонт ишларини бошлашга доир тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шундай бўлгач, завод раҳбарлари бевосита ремонт ишларига қачон киришар эканлар?

Ремонт ишларини кенг кўламда олиб боришга имкон берувчи энг қулай муддатлар ўтиб бормоқда. Киров район ижроия комитети раҳбарларининг номига меҳнаткашлардан уй-жой ремонтини тезлаштириш ҳақида жуда кўп шикоят ва аризалар тушмоқда. Бироқ район уй-жой бошқармаси ва район ремонт-қурилиш конторасининг раҳбарлари меҳнаткашларнинг ана шу шикоят ва аризаларини қондириш ҳақида етарли қайғирмаётирлар.

Н. КОНДРАШЕВА,
А. МИРОНОВ,
Киров район Советининг депутатлари.

В. ЯСТРЕБКОВ.

Умумий таълим мактабларида машғулотлар қизғин давом этмоқда. **Суратда: Тошкентдаги 7-мактабнинг дарвинизм асослари ўқитувчиси ўртоқ Л. С. Нови чихина** ўқувчилар билан жонажон ўлка табиати, унинг ранг-баранг ўсимликлари ҳақида суҳбат ўтказмоқда.

Б. Мизрохин ва Ф. Осипов фотоси.

ЯНГИ МАКТАБЛАР

Оржоникидзе районида кўплаб мактаб бинолари қурилмоқда. Куйбишев қишлоқ советидаги Маленков номли колхозда 10 йиллик мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Колхоз маблағи ҳисобига қурилган бу мактаб 21 хонадан иборат бўлиб, 700 ўқувчи сиғадиган катта залга ҳам эга.

Луначарский посёлкасида қурилиб битказилган янги ўрта мактабда колхозчи, ишчи ва хизматчиларнинг болаларидан 1000 ўқувчи ўқиётир.

Райондаги Киров номли, Хрушчев номли, Сталин номли ва бошқа кўп колхозларда ҳам давлат ва жамоат ташкилотларининг маблағлари ҳисобига янги мактаблар қурилаётир.

Бизга ёзадилар

* * *

Оҳангарондаги 9-шахтанинг кон техники ўртоқ Дроздов кексайиб қолганига қарамай китоб ўқишни севади. Унинг шахсий кутубхонасида 600 томдан ортиқ оммавий-сиёсий, адабий-бадиий, фан ва техникага доир китоблар бор. Пушкин, Лев Толстой, Шолохов, Тургенев, Ойбек асарларини Дроздов севиб ўқийди. Ўртоқ Дроздов 5-6 номда фан ва техникага оид журнал, газеталар олиб туриш билан бирга, ўз кутубхонаси фондини ҳам доимо бойитиб боради. Яқинда у 1000 сўмлик янги адабиётлар сотиб олди. Бундан ташқари, экскаватор машинисти Алиқулов, разрез инженери Мерқалов, навалоотбойчи Мирзаев ўртоқларнинг ҳам шахсий кутубхонаси бор.

А. Кўриев.

* * *

Калинин район территориясига жойлашган республика болалар санаторийси намунали соғломлаштириш муассасаларидан ҳисобланади. Санаторийда бу йил янгидан иккита павильон қурилди. Натижада ҳар сменага одатдаги 200 ўрнига 300 дан ортиқ бола қабул қилиш имконияти яратилди. Бу ерда болаларнинг яхши дам олиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шароит яратилган. Адабиёт, расм, биология, музика, қўл ҳунари тўгаракларига дам олувчилар актив иштирок этмоқдалар. Ҳозир санаторийда 350 га яқин бола дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамламоқда. Дам олиш мавсуми октябрь ойи охиригача давом этади.

Ғ. Раззоқхўжаев.

* * *

Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхоз клуби қишлоқ меҳнаткашларининг севимли ойнаси айланиб қолган. Бу ерда ёшлар кечаси, китобхонлар конференцияси, турли темаларда лекция ва суҳбатлар тез-тез ўтказилиб, янги кинофильмлар системали равишда намойиш қилиниб туради. Йиғимтерим ишлари бошланиб кетган ҳозирги шароитда клуб маданий тадбирлар ўтказиш марказини бригада дала шийпонларига кўчирган. Клуб активлари ҳамма дала шийпонларини ҳар хил стендлар, фотомонтажлар, шиорлар билан безатиб, кўчма кутубхоналар билан таъминлаганлар. Клубда олиб борилаётган маданий-оммавий ишларга колхоз партия ташкилоти раҳбарлик қилмоқда.

Ф. Абдуллин.

* * *

Чиноз райони марказидаги болалар боғчаси хушманзара дарахтзор орасига жойлашган. Овқатланиш, дам олиш, ухлаш ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган 10 хонадан иборат бу боғчада 80 га яқин бола тарбияланмоқда. Боғча турли ўйинчоқлар ва зарур жиҳозлар билан етарли таъминланган. Бу боғча 1 сентябрда 25 ўғил ва қизчани мактаб қучоғига узатди. Шунингдек, райониинг Будённий номли колхоз боғчасида ҳам 80 дан ортиқ бола тарбияланмоқда.

Ҳ. Набиев,
Х. Мусулмонқулов.

Оҳангарон ГРЭС қурилишини тезлаштирайлик

Оҳангаронда қурилаётган давлат район электростанцияси (ГРЭС) олтинчи беш йилликнинг Ўрта Осиёдаги энг йирик иншоотларидан бири ҳисобланади. ГРЭС энергия ҳосил қилиш қуввати жиҳатидан Днепр гидроэлектростанциясидан қолишмайди. У ишга туширилгач, республикамизда ҳозирги пайтда ишлаб турган барча ёқилғи электростанциялардан кўпроқ энергия ишлаб чиқаради.

Бу улкан энергия манбаи Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг кўпгина шаҳар ва қишлоқларининг, саноат корхоналарининг электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади.

1956 йил электростанция қурилишида ҳал қилувчи йил ҳисобланади. Чунки ГРЭСнинг биринчи навбати 1957 йилнинг 1-кварталида ишга туширилиши ва саноатга ток бериши керак. Яқинлашиб келаётган янги йилгача бош корпусда олиб борилаётган асосий қурилиш-монтаж ишлари тугалланиб, ускуналар монтаж қилиниши лозим. Шунингдек, тутун чиқарадиган иккинчи труба, қўмир узатадиган конвейерларнинг марказий биноси, Оҳангарон дарёсининг юқори қисмида қурилаётган бош тўғон ва деривацион канал қурилишини тугаллаш зарур.

Электростанцияни белгиланган муддатда қуриб битказиш ва ишга тушириш учун зарур бўлган моддий-техника базаси ва ишчи кучи мавжуддир. Қурилиш объектларида ўнлаб юқори малакали инженер-техниклар, юзлаб ишбилармон монтажчилар ишламоқдалар. Бу ерда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва Сибирь ўлкаларидан келган юзлаб мутахассислар, партия чақириғига жавобан комсомол путёвкаси билан келган ёш ишчилар ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Ер қазиш, бетон қуйиш, металл конструкцияларини монтаж қилиш, юк ортиш ва туширш, ускуналар ўрнатиш каби жуда хилма-хил ва мураккаб ишлар деярли тўла механизациялаштирилган.

Техника воситаларидан ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш, уларнинг бекор туриб қолмасликларини таъмин этиш, бинокорлик материалларини тежаб-тергаб сарф қилиш— қурилиш-монтаж ишларини янада жадаллаштиришнинг муҳим шартидир. Бироқ, шуни айтиш керакки, қурилиш маъмурияти бу соҳадаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаётир. Масалан, бажаралётган иш характери бир хил бўлган 2 ва 7-участкаларнинг кўрсаткичлари бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Бу икки участка кўпроқ бетон қуйиш билан шуғулланади. 7-участка ишчилари ойлик планни 179 процент бажарган бўлсалар, 2-участкада ойлик топшириқ зўр-базур 45 процентга етди.

Бунинг сири қаерда? Иккинчи участкада ишчи кучи ёки бинокорлик материали етишмайдими? Йўқ, ундай эмас. Бош корпуснинг машина залида ускуналар ўрнатиш учун темир-бетондан стакан шаклида 13 та асос қўйилган эди. Инженер Кучеренконинг масъулиятсизлиги билан стаканлар диаметри 8 сантиметргача тор қўйилганлигидан темир стерженларни ўрнатиш мумкин бўлмади. Натижада улар бракка чиқарилди. Давлатнинг бир неча минг сўм маблағи исроф бўлди, 10 дан ортиқ ишчи муҳим участкалардан олиниб, шу бракни тузатишга жалб этилди.

Биринчи эстакада қурилишида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Эстакада ўрнатилган темир-бетон устун ўқдан 80 сантиметр пастга қараб силжиган. Буни эпақага келтириш учун ҳам 35-40 ишчи куни, талайгина маблағ сарфланди. Бу — темир конструкцияларини монтаж қилишни анча орқага сурди. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин. 1 ва 5-участкаларда ҳам бракка йўл қўйиш, ишсиз туриб қолиш ҳоллари тез-тез учраб туради.

Бажарилаётган иш устидан системали равишда контролликнинг йўқлиги ана шундай кўнгилсиз оқибатларга олиб келаётир. Ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи ўртоқ Б. Риндин бажарилаётган ишларнинг сифатидан кўз-кулоқ бўлиб турмайди. У, қурилиш объектларида камдан-кам бўлади.

ГРЭСда қурилиш-монтаж ишларининг графикдан орқада қолаётганлигига асосий сабаб шуки, қурилиш раҳбарлари бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар, инженер-техник ходимлар тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Улар осмон билан туташиб кетган гигант трубани битталаб гишт қўйиб тиклаган ишчиларнинг маданий-маиший эҳтиёжлари билан етарли қизиқмаётирлар. Бу ҳол ишчилар ўртасида қўнимсизликнинг авж олиб кетишига сабаб бўлаётир. Август ойига қадар қабул қилинган 1200 га яқин ишчидан 600 кишининг ишдан кетиб қолганлигини нима деб тушуниш мумкин?

Ишчилар ўртасида қўнимсизликнинг авж олиб кетишига меҳнат нормаларининг нотўғри белгиланиши ҳамда иш ҳақини белгилашнинг гоят чалкаштириб юборилганлиги ҳам сабаб бўлаётир. Ҳар бир мутахассис ўзининг қандай ва қанча ҳақ олиши кераклигини яхши билмайди.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, бир хил мутахассисликда ишлаётган икки ишчи бажарилган иш сифати ва миқдори бир хил бўлишига қарамай турлича ҳақ оладилар. Масалан, биринчи участкада ишлаётган Қ. Содиқов ҳам, 7-участкада хизмат қилаётган Т. Мирзаев ҳам бир касбда — том ёпувчи бўлиб ишлайдилар. Бироқ, Содиқов Мирзаевдан юқори кўрсаткичга эришмаса ҳам, унга нисбатан уч ҳисса ортиқ иш ҳақи олаётир, яъни Содиқов минг сўм, Мирзаев эса фақат 360 сўм иш ҳақи олаётир.

Иш ҳақи тўлашдаги бундай чалкашлик меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишига жиддий таъсир кўрсатиши турган гап. Чунки бу ишчининг шахсий манфаатдорлигини камайтиради. Бундай масъулиятсизлик партия чақириғига жавобан ишга келган кўп сонли ишчиларнинг меҳнатга бўлган қайноқ шижоатларини сўндиради, уларнинг ишдан бўшаб кетиб қолишларига сабаб бўлаётир.

ГРЭС маъмурияти ва участка бошлиқлари меҳнатни нормалаштириш ва иш ҳақи тўлашни тезда тартибга солишлари ва ишчиларга ўрнатилган прогрессив тартибларни муфассал тушунтириб боришлари зарур. Агар ҳар бир ишчи сменада бажарган иш миқдорини ва шунга яраша оладиган иш ҳақининг қанча эканлигини аниқ билиб олса, мумкин қадар унумли ишлашга тиришади, у доимий ишчига айланади, қўнимсизлик эса ўз-ўзидан барҳам ейди.

Қурилиш-монтаж ишларида мавжуд механизм ва транспорт воситаларидан рационал фойдаланишга жиддий эътибор берилиши керак. Афсуски, қурилиш раҳбарлари ва пудратчи ташкилот бошлиқларининг эътиборсизлиги билан механизмларнинг кўп вақт ишламай туриб қолиш ҳоллари рўй бераётир. Жумладан, сўнгги саккиз ой ичида машина ва механизмлар бир ярим минг машина-кунга яқин бекор турган.

Участкаларда меҳнатнинг ёмон ташкил этилиши, бир-бирига боғлиқ бўлган участкалар ўртасида алоқанинг бўшлиги, пудратчилар иши устидан қаттиқ контроль ўрнатилмаганлиги ҳам ишнинг сусайиб кетишига салбий таъсир қилаётган сабаблардандир.

Қурилиш маъмурияти фаолиятидаги юқорида кўрсатилган камчиликларни тезда тугатиш Оҳангарон давлат район электростанциясининг белгиланган муддатда ишга тушиб, саноат токи беришини таъминлайди.

А. АБДУАЗИМОВ.

9 ойлик план бажарилди

Тошкентдаги Ильич номли заводнинг ишчи ва инженер-техник ходимлари фидокорона меҳнат қилиб, мунтазам равишда ойлик ва квартал планларини ортиқ билан бажариб келмоқдалар. Корхона коллективи қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Завод цехлари ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Бу мусобақада механика цехининг ишчилари олдинда бораётирлар. Улар август ойи планини муддатидан илгари 102 процентга етказиб бажардилар ва пландан ташқари 250 минг сўмлик маҳсулот беришга эришдилар.

Заводнинг меҳнатсевар коллективи 9 ойлик планни 10 сентябрдаёқ бажариб, пландан ташқари 850 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ва меҳнат унумдорлигини 9 процент оширишга эришди. Илғор ишчилардан Ф. Алимов, И. Макаров, М. Иззатуллина ўртоқлар кунлик нормаларини 150-200 процентга етказиб адо этмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ ОЛДИДАН

Ижодий ташаббускорликни кенг қулоч ёйдирайлик

КПСС XX съезднинг олтинчи беш йиллик план юзасидан Директиваларида социалистик саноатни янада юксак босқичга кўтаришнинг гоят катта программаси белгилаб берилган. Бу программани амалга ошириш учун оғир иш процессларини комплекс механизациялаш, янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий қилиш, шунингдек мавжуд асбоб-ускуналарни модернизациялаш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини тинмай ошира бориш зарур. Фабрика ва заводларда, қурилишларда, шунингдек темир йўл транспортида техникани тобора тараққий эттиришда рационализатор ва ихтирочилар муҳим роль ўйнайдилар.

Областимиз саноат корхоналарининг коллективлари ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш учун бошланган умумхалқ курашига қўшилиб, бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Янгилик изловчилар — рационализаторлар мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан маҳсулот олишни кўпайтиришга имкон берувчи янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар ва уларни изчиллик билан ишга солмоқдалар. Кўпгина корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва шу асосда тайёрланаётган маҳсулотнинг таннархини камайтиришга қаратилган жуда муҳим қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қўл кучи билан бажариладиган ва, айниқса, кўп меҳнат талаб қиладиган иш процесслари механизациялаштирилмоқда ва автоматлаштирилмоқда.

Техника прогресси учун бошланган умумхалқ курашида рационализаторларимиз ва ихтирочиларимиз олдинги қаторларда бормоқдалар. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида ишчилар ва инженер-техник ходимлардан корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини тубдан яхшилашга қаратилган 20 мингдан ортиқ таклиф тушди. Ўтган вақт мобайнида ана шу таклифлардан 8,5 минги кўриб чиқилди ва амалга оширилди. Бу таклифлар йилига давлатнинг 72 миллион 247 минг сўмлик маблағини тежаб қолиш имконини беради. Рационализаторларга уларни рағбатлантириш мақсадида 2 миллион 149 минг сўм пул мукофоти берилди.

Рационализаторлар ва ихтирочилар билан ишлаш яхшиланганлиги туфайли корхоналарда, қурилишларда, темир йўл транспортида бу йил ўтган 1955 йилдагига қараганда анчагина кўп таклиф тўпланди. Областимиздаги Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган корхоналарда шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 1955 йилнинг шу давридагига нисбатан ишчилар ва инженер-техник ходимлардан 1,7 баравар кўп таклиф тушди. Шу муддат ичида таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш 1,4 баравар кўпайди.

Техника прогрессини таъминлашда ижодкор ва тиришқоқ рационализатор ҳамда ихтирочиларнинг гоят катта роли эътиборга олиниб, бу соҳадаги камчиликларни тугатиш ва улар ўртасида ижодий ташаббускорликни оширишга имкон берувчи тадбирларни белгилаб чиқиш мақсадида шу йилнинг октябрь ойида Ватанимиз пойтахти Москвада рационализаторларнинг Бутуниттифоқ кенгашини чақиришга қарор қилинди. Бу кенгаш, шубҳасиз, корхоналаримизнинг техника даражасини янада оширишда муҳим роль ўйнайди.

Социалистик саноатимизнинг олдига қўйилаётган гоят катта вазифаларнинг муваффақият билан бажарилиши кўп жиҳатдан ишчилар ва инженер-техникларнинг ижодий ташаббускорлигига боғлиқдир. Шу сабабли коллективнинг ижодий ташаббускорлигининг ўсишига тўсқинлик қилувчи шахслар, улар қандай вазифада ишлашларидан қатъий назар, жамоатчилик томонидан қаттиқ қораланиши лозим. Техникани янада тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш манфаатлари рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини бутун чоралар билан кенг қулоч ёйдиришни талаб қилади. Хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари ижодкор, янгилик яратувчи — рационализаторлар ҳақида доимо ғамхўрлик қилишлари, таклифларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда уларга яқиндан амалий ёрдам беришлари лозим. Коллектив ўртасида ижодий ташаббускорликни ошириш мақсадида вақти-вақти билан рационализаторлик таклифлари учун конкурслар эълон қилиш, энг яхши таклиф авторларини рағбатлантириш, рационализаторларнинг конференцияларини чақириш ва унда бу соҳадаги ишларни янада жонлантиришга имкон берувчи тадбирларни ишлаб чиқиш керак.

Областимиздаги саноатнинг ҳозирги ишлаб чиқаришга жорий қилинган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинаётган янги техникасини ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш, ишлаб чиқаришнинг ҳаражатини камайтириш, маҳсулотнинг сифат

Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш — умум халқ иши!

☆ ☆ ☆

Шарафли вазифа

П. ПЕТРОВ.
«Мирзачулводстрой»нинг 3- участка бошлиғи.

Мирзачўл воҳасининг бўш ётган ерларини ўзлаштириш ишлари йилдан-йил кенгайиб бормоқда. Ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, янги суғориш тармоқларини яратиш учун давлатимиз ва пахтакор колхозлар томонидан катта маблағлар сарфланиб келинмоқда. Бунинг натижасида Мирзачўл ерларида янги районлар ва колхоз-совхозлар ташкил этилмоқда. Мирзачўл пахтазорларига янги пахтазорлар қўшилмоқда. Бир йил ичида «Фарҳод», «Дружба» ва Булганин номли совхозларнинг. Мирзачўл районида Мичурин номли, Карл Маркс номли ва Энгельс номли колхозларнинг ташкил этилганлиги Мирзачўлга ҳужум давом этаётганлигининг ёрқин гувоҳидир.

Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги тарихий қарори бизнинг ғайратимизга ғайрат қўшди. Бу қарорда кўрсатилган вазифалар амалга оширилиши билан Мирзачўлнинг қандай ясанишини, унинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетишини кўриш нақадар қувончли. Қисқа муддат ичида, яъни олти йил мобайнида Мирзачўлнинг бўш ётган ерларида 300 минг гектарлик янги экинзорлар пайдо бўлади, чўлни Сирдарёнинг ҳаётбахш қамарлари ураб олади. Мирзачўлнинг Ўзбекистон қисмида 23 пахтакор совхоз, 23 пахта тозалаш заводи, 200 минг аҳолиси бўлган область шаҳри ва бир неча ўнлаб аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш корхоналари қад кўтаради. Мирзачўл халқимизнинг эркин ва шарафли меҳнатидан пайдо бўлган яхлит гулистонга айланади. Унинг кўҳна номигина бу жонажон ўлканинг узоқ ва аянчли ўтмишини эслатади.

Янги суғориш магистралларини вужудга келтирмасдан туриб, Мирзачўлни ўзлаштириш мумкин эмас. Шунинг учун партия ва ҳукуматимизнинг янги қарори муносабати билан Мирзачўлда ҳозир ишлаб турган ирригация шохобчаларини кенгайтириш, янги магистрал каналларни қуриш юзасидан катта ишлар олиб борилади. Бизнинг участка коллективи ҳозирданоқ бу улуғ вазифанинг ўзига тегишли қисмини бажаришга киришмоқда. Коллективимиз Гулистон, Бекобод районларида Киров номли канални кенгайтириш ва Марказий Мирзачўл каналининг бошланиш қисмида қурилиш ишларини бошлаб юборишга тайёргарлик кўрмоқда.

Биз ҳозирги вақтда мавжуд ирригация-мелиорация тармоқларини яхшилаш билан бирга, келажакда қуриладиган йирик иншоотларнинг дастлабки тайёргарлик ишларини бажармоқдамиз. Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг территориясидан ўтган канални кенгайтириш ва у ерда тўғон қуриш ишлари олиб борилмоқда. Киров канали кенгайиб, унинг суви 2 метр кўтарилиши керак. Бунинг натижасида қурилажак Марказий Мирзачўл каналини сув билан бир меёрда таъминлаб туриш мумкин бўлади. Шу билан бирга бу ерда кучли гидроэлектростанция биноси қад кўтаради. Электр станциясининг проект қилинаётган 40 минг киловатт қуввати каналдан сув оқишни икки ҳисса кўпайтириш натижасида таъминланади.

Давлатимиз бу участкадаги қурилиш ишлари учун 2 миллион сўм маблағ ажратди ва кучли техника ёрдамини кўрсатмоқда. Бизда ирригация қурилишларида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган тажрибали қурувчилар билан бирга, ёш қурувчилар ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Ака-ука Файзулло ва Тўрабек Олимовларни кўрсатиш керак. Улар бир экскаваторда навбатма-навбат ишлаб, ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Тўрабек 1954 йилда Оҳангарон экскаваторчилар мактабини тамомлаб, ишга келди. У Мирзачўлга ишга келгандан буён бир неча юзминг кубометрлаб тупроқ ишларини бажарди. Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақида партия ва ҳукуматимизнинг қарори эълон қилингандан кейин Тўрабекнинг акаси Файзулло бизга ишлаш учун келди ва энг қийин участкага ишга тайинлашни сўради. Биз уни укаси Тўрабек билан ишлашга тайинладик. Моҳир экскаваторчи Тўрабек ўз акасини ҳам экскаваторни чаққонлик билан бошқаришга ўргатди. Ватанпарвар ака-ука участкамизнинг илғор машинистларидир.

Участкамизда кундалик ва ойлик топшириқларини 1,5-2 баравар ошириб бажариб келаётганларнинг сони кундан-кун кўпайиб бормоқда. «Э-754» экскаваторининг машинист бригадири Виктор Петрович Фурин Киров каналининг Бекобод районидаги қисмини кенгайтириш ишларида намуна кўрсатиб ишламоқда. Андрей Андреевич Реморенко бошлиқ бульдозерчилар бригадаси юксак меҳнат унумига эришмоқда. Шунингдек скреперчи Димитрий Хорлантиевич Шевцов, дурадгорлардан Серебряков ва Полунинларнинг иши ҳам макташга сазовордир.

Шу билан бирга, бизда ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Участкада (фақат бизнинг участкадагина эмас, балки бошқа участкаларда ҳам) механизмлар кучидан тўлиқ фойдаланилмаётир. Экскаватор, бульдозер ва скреперларнинг сабабсиз бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва социалистик мусобақа шартларини бажаришга, шунингдек қурувчиларга маданий-маиший хизматни яхшилашга жиддий эътибор берилмаётир.

«Мирзачулводстрой» раҳбарлари, шу билан бирга район партия, совет ташкилотлари қурилиш ишларини тезлаштириш ва Мирзачўл ерларига сув чиқариш объектларида фидокорона меҳнат қилаётган қурувчилар ўртасида оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни яхшилаш учун конкрет чоралар кўришларини талаб қиламиз.

Бизнинг коллективимиз ўсиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бизга яқинда янги экскаваторчилар ва бошқа касбда ишловчи қурувчилар келади. Ишимизнинг ҳажми ҳам кенгайиб боради. Участкамизнинг коллективи ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан бажаради.



Суратда: Марказий коллекторда иш пайти. (доирада) чапдан: илғор экскаваторчи М. Ф. Мунтьян ва Т. М. Пискунов ўртоқлар.
В. Салов фотоси.

Чўл бўйлаб...

«Мирзачулводстрой»нинг юк машинаси Сардоба даштига қараб йўл олди. Қурилиш материаллари ортилган машина шаҳар кўчаларидан ўтиб, боғ-хиёбонлар оралаб, тош йўлга чиқиб олди. Машина ғарбга—чўл бағрига қараб учмоқда.

Машинада дурадгорлар, бетончилар, қурилиш техниклари ва «Чўвадор» колхозининг икки пахтакори ўтиришти. Кузоводаги катта сеткалар узум, помидор, картошка ва бошқа хил сабзавот маҳсулотлари билан тўлдирилган. Нон, қовун, тарвуз запаслари ҳам кўп. Бийдай даштда нима ҳам бўлсин.

— Ҳатто сувни ҳам ташиб келтирамиз, — дейди техник.

Машина ҳамон тезлаб бормоқда. Йўлнинг икки чеккасида Киров каналидан бошланган суғориш шохобчалари, лиммо-лим тўлиб оқаётган ариқлар, бетон қоришмаларидан тиқилганн катта-кичик тўғонлар, зардобга ўхшаган зах сувлар оқаётган ташлама-коллекторлар кўринади.

Колхоз қишлоқлари ва бепоён экинзорлар қиши қалбига қувонч бағишлайди. Мирзачўл шаҳрининг чегарасидан бошланган рангба-ранг гиламга ўхшаш серҳосил экинзорлар уфққа бош қўйиб, ёйилиб ётипти.

Бир-бирига туташиб кетган катта карталарда пахта етиштирилган. Қишлоқ атрофларини мевазор боғлар ясантирган. Қовун-тарвуз полизларининг ҳосили сой тошидай бўлиб ётибди. Маккажўхори ва яшил беда пайкаллари эса беқасамдай товланади.

Тош йўл тугаб, нотекис дашт йўллари бошланди. Машина кетидан тўзон кўтарилиб, ҳавода ёйилиб борарди. Колхоз қишлоқлари, пахтазорлар ҳам орқада қолди. Атрофда шўр босиб ётган, тикон, шўра қоплаган чўллар кўринади. Ҳали инсон қўли тегмаган бу кенг яловда колхоз қўйлари, йилқи ва туялари ўтлаб юрипти. Узоқ-узоқлардан, адрлар орқасидаги қайси жойлардандир моторлар овози эшитилади.

Узоқдаги қамиш тўқайларининг орасидан катта кўл ойнадек ярқираб кўринди. Бу — Сардоба кўли. Қардош Қозоғистоннинг Пахтаорол районлари билан Мирзачўл районларининг ўртасида билмадик қайси вақт, қайси замонда пайдо бўлган бу кўл неча минг гектарлаб бепоён ерларнинг унумдор магзини зулукдай сўриб ётибди. Кўлнинг суви денгиз сувидай шўр. Кўл атрофидаги ерларнинг турли жойлари балқиллаб, киши юрса оёғи ботади.

Сардоба кўли 6 минг гектар ерни ташкил этади. Шунингдек, кўл таъсири билан ботқоққа айланган атроф ерлар ҳам 6 минг гектардан ошиқ территориядан иборатдир. Умуман, 12 минг гектар майдонни эгаллаган Сардоба кўлининг таъсири Мирзачўл, Пахтаорол районларининг кўп ерларида сезилиб турилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати улуғ Ленининнинг Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги Декретига амал қилиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларининг қадимий орзуларини рўёбга чиқариб, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ҳақида бир қанча амалий тадбирлар кўрдилар. Партия ва ҳукуматимиз Мирзачўл воҳасида ирригация-мелиорация ишлари учун катта маблағ ажратиб, пахтакорларга амалий ёрдам кўрсатдилар. Кўп йиллардан буён Мирзачўл воҳасида ишлаётган «Мирзачулводстрой» бошқармасининг азамат коллективи ирригация-мелиорация ишларини кенгайтиришда бир қанча муваффақиятларни қўлга киритди. Суғориш шохобчаларини кенгайтириш, сизот сувларни йўқотиш учун мўлжалланган ташлама-коллекторларни қазишда кучли экскаваторлар, бульдозер ва скреперлар ишламоқда.

Бошқарма коллективи Сардоба кўлини қуритиш ва бу кўл районида янги ерларни ўзлаштиришни учун олиб борилаётган умумхалқ ишига катта ҳисса қўшмоқда. Бу ерда 75 километрлик Марказий Мирзачўл коллектори қурилди. Бу коллектори қуришда ўнлаб кучли экскаваторлар ишлади. Ҳозир коллектори кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Марказий коллектор Сардоба кўлини қуритиш учун мўлжаллаб қурилган. Коллектор бош қисми кўлга келиб туташган. Коллекторнинг кўлга туташ жойида насос станцияси қурилган.

Ҳозир насос станциясида сўнгги қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Станцияга иккита кучли мотор ўрнатилган. Ҳар бир мотор бир секундда 350 литр сув тортиб чиқаради. Икки мотор Сардоба кўлининг сувини коллекторга оқизишда хизмат қилади. Насос станциясини қуришда тош ўрнатувчи Николай Григорьевич Дворянов, унинг қизи Нина Николаевна, дурадгор И. Петровлар намуна кўрсатиб ишладилар.

Насос станциясидан ғарб томонда чўл бағрини кесиб ўтган тоғдай баланд тупроқ уюмлари кўзга ташланади. Бу бир неча миллион кубометрлик тупроқ тоғлари Марказий Мирзачўл коллекторидан қазиб чиқарилган. Трасса бўйлаб тупроқ уюмларининг орқасидан экскаваторларнинг баланд стрелалари осмонга кўтарилиб тушмоқда. Кучли машиналар Марказий Мирзачўл коллекторининг ҳар икки ёнидан тупроқ қазиб чиқармоқда. Марказий коллекторнинг кенглиги 25 метрга, чуқурлиги эса 7 метрга етказилиши керак. Коллектордан 8 кубометр сув оқизилиши мўлжалланган. Ҳозир коллекторнинг икки чети қия ковланиб, текисланмоқда.

Азамат экскаваторчилар коллектордан 3 миллион кубометрдан кўпроқ тупроқ қазиб чиқардилар. Улар яна ярим миллион кубометр тупроқ қазиб чиқаришлари керак.

— Мен сентябрь ойида 20 мингдан кам қазимайман, — дейди илғор экскаваторчи Ҳолбек Ўтарбоев.

— Бир ойда 20 минг кубометр тупроқ қазиб чиқариш учун курашаяпмиз, — дейди Ҳолбекнинг навбатчи шериги Жайлибой Байимбетов ҳамкасб дўстининг фикрини тушунтириб. Ҳар бир ярим кубик экскаваторга бир ойда 10 минг кубометр тупроқ қазиб чиқариш топширилган. Ўтарбоев бу топшириқни икки баравар ошириб бажариш учун курашмоқда.

Ўтарбоев мойли панжаларини ёзиб, ричагни ушлайди, мотор гуруллаб, экскаватор ҳаракатга келади. Стрела осмонга кўтарилиб, улкан ковш коллекторга қараб шўнгийди. Ҳаёл ўтмай, канал чеккасида янги тупроқ уюмлари пайдо бўлади. Экскаватор бирдай айланиб, коллекторга човт солади...

Ўтарбоевдан сал нарида, коллекторнинг ўнг томонида тажрибали экскаваторчилар Максим Федорович Мунтьян ва унинг шериги Тимофей Михайлович Пискунов ишламоқда. Мунтьян Волга-Дон қурилиши, сўнг Бошқирдистон нефть конларида экскаваторчи бўлиб ишлаган. Унинг шериги Пискунов эса 1954 йилда Оҳангарон тоғ саноати мактабини тамомлаб, Мирзачўлга йўлланма олиб келган ёш экскаваторчилардандир. Улар навбатма-навбат икки сменада ишлайдилар. Мунтьян ҳам, Пискунов ҳам кундалик ва ойлик топшириқларини 2-2,5 баравар ошириб бажариб келмоқдалар.

Коллектorда Ҳайитбой Эшчонов, Ҳамид Мирзаҳмедов, Василий Семенов, Николай Досковский, Бегимовларнинг экскаваторлари ҳам ишламоқда. Забардаст экскаваторчилар ўз зиммаларига олинган топшириқни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

1-участка бошлиғи Виктор Александрович Землянский, коллекторни қазиб бўлгандан кейин, Мирзачўлни ўзлаштириш планида кўрсатилган янги ирригация иншоотларини қазишга киришамиз; бизга келгуси йилда 15 миллион кубометрлик тупроқ ишларини бажариш вазифаси топширилди, бу шарафли вазифани албатта, ўз вақтида бажарамиз, дейди.

1-участканинг экскаваторчилари, коллекторлар қурилаётганлигини кўрдим. Шу билан бирга, янги ерларни суғориш учун катта тайёрлик ишлари олиб борилаётганлигини билдим. Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги қарори менинг, шунингдек, бу ердаги шерикларимнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Биз умумхалқ қурилишида — Марказий ва Жанубий Мирзачўл каналларини қазишда ўз экскаваторларимизни тўхтовсиз ва унумли ишлатамиз.

Халқ бахт-саодати учун ишлаш совет кишисининг шарафли бурчидир. Мирзачўлнинг обод бўлиши — халқимиз бахт-саодатининг янада гуллаб яшнаши демакдир. Биз бу кенг чўлда янги ирригация иншоотларини барпо этар эканмиз, ана шу жонажон халқимизнинг фаровон ҳаётини, она-Ватанимизнинг куч-қудратини ўйлаймиз. Бу ерда ишлаётган рус, қозоқ, ўзбек, тожик, украин ва бошқа миллатлардан бўлган дўстларим ҳам ана шу олижаноб мақсадни — бепоён мамлакатимизнинг кенг равнақ топиб яшашини истайди. Шунинг учун ҳам мен бу ерга ишга келишим биланоқ аҳил, тажрибали экскаваторчиларнинг дўстона ёрдамини кўрдим; қийинчиликларни енгиб, экскаватор кучидан унумли фойдалана бошладим.

Мен ҳорамлик моҳир экскаваторчи Ҳайитбой Эшчонов экскаваторида навбатчи машинист бўлиб ишламоқдаман. Бизнинг экскаваторимиз яхши ишлаб, кундалик топшириқни 2 баравар ошириб бажаришга эришмоқдамиз.

Экскаваторчиларимиз Марказий коллекторни кенгайтириб, бу ердаги тупроқ ишларини бажаргаларидан кейин янги топшириқларни адо этишга киришадилар. Улар Мирзачўл даштларидан ўтадиган янги канал трассаларида ишлайдилар. Мен ҳам, албатта, улар орасида бўламан ва умумхалқ ишида ўз экскаваторим билан хизмат қиламан.

☆ ☆ ☆

Янги экинзорлар яратамиз

М. ҚОСИМОВ,
Мирзачўл районидаги Куйбишев номли колхознинг раиси.

Колхозимизнинг аъзолари КПСС Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Советининг 1956 йил 6 августда «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини, шунингдек Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг III пленуми материалларини зўр хурсандчилик билан кутиб олдилар. Биз колхозчиларнинг умумий йиғилишида Мирзачўлнинг янги ерларини ўзлаштириш муносабати билан колхоз олдида турган вазифаларни муҳокама қилдик.

Марказий Мирзачўл канали колхозимиз территориясидан ўтади. Янги канал қурилиши билан янги ерларни ўзлаштириш имконияти яратилади. Бу эса биздан катта ишларни бажаришни талаб этади. Ҳозирги вақтда колхозимизга қарашли 2 минг гектар ернинг 701 гектарида турли экинлар етиштирилмоқда. Қолган 1300 гектари эса ҳали ўзлаштирилмаган. Бу катта майдонни яқин йилларда ўзлаштириш ва у ерларда янги пахта майдонларини бунёдга келтириш колхозимиз аъзоларининг энг биринчи вазифасидир.

Колхозимиз аъзолари асосан бошқа районлардан кўчиб келган ва бундан 25 йил илгари янги ерларни очиб, у ерларда пахта етиштирган кишилардан иборатдир. Ҳозирги колхоз қишлоғи жойлашган ерда 1930 йилда бор-йўғи 15 хўжалик бор эди. Шу 15 хўжалик ўша йили коллектив хўжаликка ўқишиб, 200 гектарга яқин ерда ишлай бошлади. Дастлабки йили етиштирган ҳосилимизнинг миқдори гектар бошига 3-4 центнердан ошмади.

Партия ва ҳукуматимиз бизга катта моддий-техника ёрдами бериб турди. Еримизда тракторлар ишлади. Янги суғориш шохобчаларини вужудга келтирдик. 1937-1938 йилларга келиб пахта майдонимиз 300 гектарга етказилди ва ҳар гектаридан 17 центнердан ҳосил олдик. Колхозимиз ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиб, пахтадан юқори ҳосил олабошладик.

1946 йилда колхозимизда бир насос қурилиб, 90 гектар ерни ўзлаштирдик, 1953 йилда эса яна 2 насос ўрнатиб, 315 гектар ерга сув чиқарилди. Ҳозирги вақтда насос ёрдами билан баланд ерларга ҳам пахта етиштирилмоқда.

Колхоз бу йил 420 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 22 центнердан пахта топшириш учун социалистик мажбурият олган. Пахтакорларимиз мажбуриятга яраша мўл пахта ҳосили етиштиралилар. Ҳар куни давлатга йиллик планнинг 1,5-2 процента миқдорида пахта топширмоқдамиз. Колхозчилар йиллик пахта тайёрлаш планини Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги кунигача бажариш учун зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Пахта ҳосилини йилдан-йил ошириб борамиз. Шу билан бирга, янги ерларни ҳам ўзлаштириб, экин майдонларини икки баравар кўпайтирамиз.

Колхозимизга ғаллакор районлардан янги хўжаликлар кўчиб келмоқда ва улар экин майдонларини кенгайтиришда зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Ҳозирги вақтда колхозимизда 112 хўжаликдан иборат 231 киши аъзо бўлиб ишламоқда. Жиззах районидан кўчиб келган ўртоқ Мавлон Ҳолматов 6- бригадага бошлиқ бўлиб ишлаётир. Бригада аъзолари 50 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштириб, ҳар гектаридан 22 центнердан пахта топшириш учун астойдил курашмоқдалар. Шунингдек Зомин, Ўратепа ва бошқа районлардан кўчиб келган колхозчиларнинг кўпчилиги бригада ва звено бошлиғи бўлиб ишламоқдалар.

Колхозимиз кўп тармоқли йирик хўжаликка айланиб бормоқда. Ҳозир бизда 6 пахтачилик бригадаси, ғалла ва сабзавотчилик бригадалари, чорвачилик фермалари ташкил этилган. Колхозимизнинг бу йилги даромадини 3,5 миллион сўмга етказиш мўлжалланаётир.

Колхоз қишлоғи йилдан-йил обод бўлиб бормоқда. Қишлоқда яқин йилларда тўлиқсиз ўрта мактаб, электр станцияси, магазин, медпункт, тегирмон, болалар яслиси ва боғчаси бинолари қурилди. Правление учун янги бино, шунингдек бошқа иморатлар ҳам қурилган. Колхозчилардан 35 кишита янги уйлар қуриб берилди.

Колхозимизнинг юқори ҳосилли йирик хўжаликка айланиб боришида партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатаётган катта ёрдамини ҳар доим сезиб турибмиз. Колхозимизда 1- МТСнинг 13 механизатори унумли ишлаб келмоқда ва пахтадан ҳамда бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, ерларнинг захини қочириш, мелиорация ишларини яхшилашда ҳам техника кучидан унумли фойдаланаётирмиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги қарори колхозимиз аъзоларини янги ишларга руҳлантирмоқда. Мирзачўлнинг янги ерлари ўзлаштирилиши муносабати билан бизнинг колхозимизда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришда янги имкониятлар яратилади. Янги суғориш шохобчаларидан фойдаланамиз. Янги зовурлар қазилиб, экин майдонларимизнинг унумдорлиги ошади. Бўш ётган ерларга сув чиқариб, пахтадан мўл ҳосил етиштирамиз. Мирзачўлни обод қилишда ва уни пахтазор воҳага айлантиришда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдормиз

Жаниб АҚБЕРГАНОВ,
Қозоғистон ССР, Пахтаорол районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи.

Бизнинг «Коммунизм» колхози Қозоғистоннинг юқори ҳосилли йирик пахтакор колхозларидан биридир. Колхозимиз бу йил 1600 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта топшириш учун курашмоқда. Мен бошлиқ бригада эса 118 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун ҳаракат қилаётир. Ҳозир мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб, давлатга топширмоқдамиз.

Колхозимиз республикамизнинг жанубида, Мирзачўл районидаги «Чорвадор» колхози билан туташ ерларда жойлашган. Бизда ҳали ўзлаштирилмаган катта, унумдор ерлар кўп. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимизнинг қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш ҳақидаги қарорини зўр хурсандчилик ва чексиз миннатдорчилик билан кутиб олдик.

Янги суғориш иншоотлари қурилиши билан Мирзачўлнинг Қозоғистон қисмидаги 100 минг гектар бўш ётган ерлар ўзлаштирилади. Янги овул ва шаҳарлар, катта майдондаги экинзорлар, янги колхоз ва совхозлар вужудга келади. Халқимизнинг турмуши янада фаровон бўлади.

Биз қозоқ пахтакорлари қон-қардош ўзбек пахтакорлари билан, шунингдек бошқа қардош республикалардан келган азамат қурувчилар билан қўлни-қўлга бериб, Мирзачўлга ҳужум бошлаймиз. Неча асрлардан буён экин экилмай, бўш ётган ерларга сув чиқариб, у ерларда янги пахтазорларни яратамиз, она-Ватанимизга Мирзачўлнинг «оқ олтин»ларини совға қиламиз.

Мирзачўлнинг ўзлаштирилган районларидаги кўчириб келтирилган колхозларга ва суғориладиган ерлар ўзлаштирилаётган бошқа районлардаги колхозларга шу колхозлар пахта экишга киришган биринчи йилдан бошлаб уч йил давомида ҳар қайси сортдан давлатга топширган пахталари учун шу сортнинг тайёрлаш нархига 20 процент миқдорида устама тўлаб турилсин.

(КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисидаги қароридан(



Суратда: Сардоба кўлини қуритиш учун қурилаётган насос станцияси.
В. Салов фотоси.

Умумхалқ қурилишида ишлайман

Х. МИРЗААҲМЕДОВ,
экскаваторчи.

Мен яқинда Тошкентдаги экскаваторчилар мактабини тамомладим. Мактабда мени Мирзачўлга ишга юборишаётганини билиб, беҳад ҳурсанд бўлдим. Чунки Мирзачўлда кенг кўламда олиб борилаётган ирригация-мелиорация ишларида экскаваторчиларнинг зиммасига катта вазифалар юкланишини яхши биларди. Бу ерга келиб, Мирзачўлнинг зах сувларини йўқотиш учун тупроқ қазиб чиқариш учун курашаяпмиз, — дейди Ҳолбекнинг навбатчи шериги Жайлибой Байимбетов ҳамкасб дўстининг фикрини тушунтириб. Ҳар бир ярим кубик экскаваторга бир ойда 10 минг кубометр тупроқ қазиб чиқариш топширилган. Ўтарбоев бу топшириқни икки баравар ошириб бажариш учун курашмоқда.

Ўтарбоев мойли панжаларини ёзиб, ричагни ушлайди, мотор гуруллаб, экскаватор ҳаракатга келади. Стрела осмонга кўтарилиб, улкан ковш коллекторга қараб шўнгийди. Ҳаёл ўтмай, канал чеккасида янги тупроқ уюмлари пайдо бўлади. Экскаватор бирдай айланиб, коллекторга човт солади...

Ўтарбоевдан сал нарида, коллекторнинг ўнг томонида тажрибали экскаваторчилар Максим Федорович Мунтьян ва унинг шериги Тимофей Михайлович Пискунов ишламоқда. Мунтьян Волга-Дон қурилиши, сўнг Бошқирдистон нефть конларида экскаваторчи бўлиб ишлаган. Унинг шериги Пискунов эса 1954 йилда Оҳангарон тоғ саноати мактабини тамомлаб, Мирзачўлга йўлланма олиб келган ёш экскаваторчилардандир. Улар навбатма-навбат икки сменада ишлайдилар. Мунтьян ҳам, Пискунов ҳам кундалик ва ойлик топшириқларини 2-2,5 баравар ошириб бажариб келмоқдалар.

Коллектorда Ҳайитбой Эшчонов, Ҳамид Мирзаҳмедов, Василий Семенов, Николай Досковский, Бегимовларнинг экскаваторлари ҳам ишламоқда. Забардаст экскаваторчилар ўз зиммаларига олинган топшириқни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

1-участка бошлиғи Виктор Александрович Землянский, коллекторни қазиб бўлгандан кейин, Мирзачўлни ўзлаштириш планида кўрсатилган янги ирригация иншоотларини қазишга киришамиз; бизга келгуси йилда 15 миллион кубометрлик тупроқ ишларини бажариш вазифаси топширилди, бу шарафли вазифани албатта, ўз вақтида бажарамиз, дейди.

1-участканинг экскаваторчилари, коллекторлар қурилаётганлигини кўрдим. Шу билан бирга, янги ерларни суғориш учун катта тайёрлик ишлари олиб борилаётганлигини билдим. Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги қарори менинг, шунингдек, бу ердаги шерикларимнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Биз умумхалқ қурилишида — Марказий ва Жанубий Мирзачўл каналларини қазишда ўз экскаваторларимизни тўхтовсиз ва унумли ишлатамиз.

Халқ бахт-саодати учун ишлаш совет кишисининг шарафли бурчидир. Мирзачўлнинг обод бўлиши — халқимиз бахт-саодатининг янада гуллаб яшнаши демакдир. Биз бу кенг чўлда янги ирригация иншоотларини барпо этар эканмиз, ана шу жонажон халқимизнинг фаровон ҳаётини, она-Ватанимизнинг куч-қудратини ўйлаймиз. Бу ерда ишлаётган рус, қозоқ, ўзбек, тожик, украин ва бошқа миллатлардан бўлган дўстларим ҳам ана шу олижаноб мақсадни — бепоён мамлакатимизнинг кенг равнақ топиб яшашини истайди. Шунинг учун ҳам мен бу ерга ишга келишим биланоқ аҳил, тажрибали экскаваторчиларнинг дўстона ёрдамини кўрдим; қийинчиликларни енгиб, экскаватор кучидан унумли фойдалана бошладим.

Мен ҳорамлик моҳир экскаваторчи Ҳайитбой Эшчонов экскаваторида навбатчи машинист бўлиб ишламоқдаман. Бизнинг экскаваторимиз яхши ишлаб, кундалик топшириқни 2 баравар ошириб бажаришга эришмоқдамиз.

Экскаваторчиларимиз Марказий коллекторни кенгайтириб, бу ердаги тупроқ ишларини бажаргаларидан кейин янги топшириқларни адо этишга киришадилар. Улар Мирзачўл даштларидан ўтадиган янги канал трассаларида ишлайдилар. Мен ҳам, албатта, улар орасида бўламан ва умумхалқ ишида ўз экскаваторим билан хизмат қиламан.

Мирзачўл

(Қўшиқ)

Мирзачўл, мушкулларинг осон бўлур,
Ҳамма дардингга элим дармон бўлур.
Партия раҳбарлиги бир-ла сенинг
Қуйнинг оқ олтинга битмас кон бўлур.
Шарқираб янги каналдан сув оқар,
Марвариддан кўксингга маржон тақар,
Янги ГЭСлардан ёниб миллион чироқ,
Тунларинг кундуз каби равшан бўлур.
Қаҳрамон халқ сенда бўстон ундирар,
Тупроғингда пахтадан кон ундирар.
Довруғинг дунёга тарқалгай чунон,
Кўрмаганлар кўнглида армон бўлур.
Шираю шарбатга тўлгай боғларинг,
Яшнагай минглаб гўзал қишлоқларинг.
Гуллаган бағрингда қардош, дўстлар
Яйрашиб, жондан азиз меҳмон бўлур.
Бахтиёр халқ пахтазорда ишлагай,
Дур териб, ўз бахтини олқишлагай.
Барчамизнинг фахримиз, кўз нуримиз —
Оппоқ олтинлар баланд хирмон бўлур.

КАМТАР.

Мисрнинг суверенитети дахлсиздир

Бутун дунёдаги прогрессив жамоатчилик Миср ҳукуматининг қарорини қўллаб-қувватламоқда

МЕН АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ҚОҲИРА, 13 сентябрь. (ТАСС). МЕН агентлиги билдиради: Юнайтед Пресс агентлиги, Сувайш канали маъмурияти правлениесининг раиси доктор Бахат Бадавий Миср ҳукумати ўз лавозимларидан воз кечган чет эл лоцмонларини суд жавобгарлигига тортиш ниятидадир, деб айтди, деган хабарни тарқатган эди. Мисрнинг расмий доиралари ана шу хабарни қатъий рад этадилар.

Ахборот бошқармасининг бош директори полковник Абдул Қодир Хатам шу муносабат билан МЕН агентлигининг мухбирига бундай деди: Миср ҳукумати ишдан кетмоқчи бўлган ёки ҳозирданоқ истеъфо берган чет элли ҳар бир лоцманга ёрдам беришга тайёрдир.

«СУВАЙШ ПРОБЛЕМАСИНИ МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН ВА ЛОЗИМ»

ПАРИЖ, 13 сентябрь. (ТАСС). Францияда энг йирик касаба союз бирлашмаси бўлган Умуммеҳнат конфедерацияси маъмурий комиссиясининг кеча ўтказилган мажлисида резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда Франция ҳукуматининг Сувайш канали масаласида тутган позицияси ҳарбий конфликт хавфини туғдиради ва мамлакатнинг манфаатларига жиддий зарар етказади, дейилади.

«Сувайш проблемаси, — дейилади резолюцияда, — Миср халқининг ҳуқуқлари ва суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилиши мумкин ва лозим».

Югославия-Индонезия музокаралари

БЕЛГРАД, 14 сентябрь. (ТАСС). ТАНЮГ агентлиги билдиради: Кеча Белградда Югославия-Индонезия музокаралари бошланди.

Музокараларда Индонезия томонидан Индонезия Республикасининг президенти Сукарно, ташқи ишлар министри Абдулғани, Индонезиянинг Белграддаги элчиси Сударсоно, Индонезия Республикаси президенти кабинетининг бошлиғи Прингодигдо ва ташқи ишлар министрлиги директоратининг мудири Кусумовидатдо қатнашмоқдалар.

Музокараларда Югославия томонидан президент Иосип Броз Тито, Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосарлари Эдвард Кардель, Александр Ранкович ва Светозар Вукманович, ташқи ишлар давлат секретарининг ўринбосари Срджан Прица ва республика президентининг бош секретари Пош Вильфан қатнашмоқдалар.

Халқаро аҳвол тўғрисида ва Югославия-Индонезия муносабатлари ҳақида самимий ва дўстона вазиятда фикр олишилди.

Женева битимлари сурбетларча бузилмоқда

ХАНОЙ, 13 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси 11 сентябрда Вьетнамдаги кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссияга мактуб юборди. Бу мактубда Америка ҳарбий миссиясининг Жанубий Вьетнамда бўлишига қарши норозилик билдирилади. Мактубда айтилишича, ҳозирги вақтда Америка ҳарбий миссиясида 1.700 киши бор ва бу миссиядаги кишилар сони тобора ортмоқда. Жанубий Вьетнам армиясининг штаблари ва қисмларида бўлган америка офицерлари бу армиянинг шахсий составига таълим бермоқда.

Жанубий Вьетнамда Америка ҳарбий миссиясининг қонунга хилоф суратда бўлиши ва унинг ишлари, дейилади мактубда, Женева битимларини сурбетларча бузишдан бошқа бир нарса эмас ва бу ҳол Жанубий Вьетнам маъмурлари билан Қўшма Штатлар ўртасида ҳарбий иттифоқ борлигини исбот қилади. Алоқа миссияси Америка ҳарбий миссиясини Жанубий Вьетнамдан жўнатиш учун чора кўришни халқаро комиссиядан талаб қилади.

Бирма парламенти депутатлар палатасининг резолюцияси

РАНГУН, 13 сентябрь. (ТАСС). Кеча Бирма парламентининг депутатлар палатаси Англия, Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқини ядро қуролини синаб кўришни тўхатишга ҳамда атом энергиясидан фақат тинч мақсадларда фойдаланишга даъват этган резолюцияни бир овоздан қабул қилди.

НЕРУНИНГ СУВАЙШ КАНАЛИ МАСАЛАСИ ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 13 сентябрь. (ТАСС). Деҳли радиоси билдиради: Бош Министр Неру бугун парламентда нутқ сўзлаб, Англия бош министри Иденнинг Сувайш канали масаласи бўйича кеча Англия парламентида қилган баёнотидан таажжубланганлигини ва афсусланганлигини билдирди. Иденнинг сўзи, деди Неру, бу масала юзасидан бундан буён музокаралар олиб бориш имконини бермайди.

Неру ғарбдаги уч давлатнинг «каналдан фойдаланувчилар ташкилоти»ни тузиш тўғрисидаги таклифларига тўхталиб ўтди. Неру айтдики, бу план кишиларнинг таажжубига сабаб бўлади, низоълар туғдиради ва масалани ҳал этиш йўлларини мажбуран қабул қилдиришни кўзда тутади. Воқиаларнинг сўнги вақтда ривожланиши муносабати билан Ҳиндистон ҳукумати гоят афсусланганлигини билдиради. Нерунинг айтишича, воқиаларнинг бундай ривожланиши Сувайш канали тўғрисидаги масалани тинч йўл билан ҳал этишни қийинлаштиради.

Бош министр айтдики, Ҳиндистон ҳукуматининг фикрича, масалани барча манфаатдор томонларнинг талабларини қондирадиган тарзда ҳал этиш мумкин, бўлур эди.

Нерунинг фикрича, Миср ҳукуматининг баёноти масалани ҳал этиш йўлини очиб беради. Миср ҳукумати бу баёнотида халқаро миқёсда олинган барча мажбуриятларни қабул қилганлиғини билдиради ва бошқа давлатларни музокараларда қатнашишга чақиради.

Бош министр кейинги бир неча кун ичида Ҳиндистон Англия бош министрига ва Америка Қўшма Штатлари президентига мактублар юборганлигини айтди. Ана шу мактубларда Сувайш канали масаласи муносабати билан воқиаларнинг ривожланишига Ҳиндистон ҳукуматининг нуқтаи назари баён қилинди.

Неру Сувайш канали масаласини ҳал этишнинг тинч йўли топилади, деб умид билдирди. Музокаралар олиб бориш йўли билан масалани ҳал этишгина, деди бош министр, Сувайш каналининг нормал ишлашини таъминлашга ёрдам бера олади. Ҳиндистон ҳукуматининг ўз даъвати натижасиз қолмаслигига ишониши учун асослари бор.

Бош министр мисрлик бўлмаган лоцманларнинг каналдаги ишларини ташлаб кетаётганликлари тўғрисида таассуф билдирди. Неру айтдики, бундай ҳаракатлар каналдан фойдаланувчи мамлакатларнинг манфаатларига тўғри келмайди ва каналдан нормал фойдаланишга ёрдам бермайди.

Нерунинг Англия, АҚШ ва Францияга мурожаати

БАЙРУТ, 13 сентябрь. (ТАСС). Журналист доираларда билдиришларига қараганда, Ҳиндистон бош министри Неру 13 сентябрда Англия, Қўшма Штатлар ва Франция ҳукуматларига мурожаат қилиб, уларни Сувайш каналидан фойдаланувчиларнинг халқаро ассоциациясини тузиш ҳақидаги ўз қарорларини қайтадан кўриб чиқишга даъват этган.

«Сувайш масаласини Мисрнинг розилигисиз қониқарли ҳал этиш мумкин эмас»

ДЕҲЛИ, 13 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон матбуотининг билдиришига қараганда, ғарб давлатларининг каналдан фойдаланувчилар ташкилотини тузиш ниятида эканлиги Ҳиндистоннинг ҳукумат доираларини жиддий ташвишга солган ва хафа қилган.

«Ҳиндустан стандард» газетаси ёзади: Ҳиндистон ана шу таклифларга тамомила қаршидир, чунки бу таклифлар Мисрнинг суверенитетини бузади. Ғарб давлатлари, деб таъкидлайди газета, Мисрга унинг иштирокисиз ишлаб чиқилган қарорни мажбуран қабул қилдиришга уринмоқдалар.

Газета яна қуйидагиларни ёзади: Ҳозирги вақтда аҳвол шундайки, Сувайш масаласини Мисрнинг розилигисиз қониқарли ҳал этиш мумкин эмас.

Италия жамоатчилиги Сувайш канали масаласини тинч йўл билан ҳал этишни талаб қилмоқда

РИМ, 13 сентябрь. (ТАСС). Италия жамоатчилиги Сувайш канали масаласини адолатли суратда ҳал этишга халқит бераётган ғарб давлатларининг хуружларидан ташвишланаётганлигини билдиради.

Мисрнинг шаънига асоссиз таъналар қилаётган «Пополо» газетаси ҳам (христиан-демократик партия органи) «Раҳбарлар ва сиёсий арбобларнинг, масалан Францияда баъзан қилаётганларидек, беҳуда кескин йўл тутишдан ва тажангланиб турли баёнот қилишдан воз кечиш керак эди» деб эътироф қилади.

Италия социал-демократик партиясининг органи бўлган ва худди шундай позицияда турган «Жустициа» газетаси «Англиядаги энг реакцион консерваторларнинг империалистик даъволарини» қоралайди.

«Унита» газетаси АҚШ, Англия ва Франциянинг «Сувайш каналидан фойдаланувчилар ташкилоти»ни тузиш ҳақидаги қарорига тўхталиб, бу қарорни «бир томонлама қилинган ҳаракат, бу ҳаракат ҳуқуқий ва амалий нуқтаи назардан Мисрнинг суверен ҳуқуқларини қўпол равишда бузади» деб ҳисоблайди.

Газета жаҳон жамоатчилиги «куч ишлатишга қарши гарантия берилишини» талаб қилмоқда ва Сувайш канали масаласини музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишни қаттиқ талаб қилмоқда, деб таъкидлайди.

Италия социалистик партияси раҳбарлигининг баёноти

РИМ, 13 сентябрь. (ТАСС). Италия социалистик партиясининг раҳбарлиги баёнот эълон қилди. Бу партиянинг раҳбарлиги ана шу баёнотида «Сувайш канали масаласини куч ишлатиб ҳал этиш мақсадини кўзда тутган ҳар қандай тадбирларни кескин суратда қоралайди». Партия раҳбарлиги «ҳукуматни Италияни куч ишлатиш сиёсатига бевосита ёки бошқа йўллар билан ҳеч қандай ҳолларда қўшмасликкга чақиради, музокаралар олиб бориш йўли билан бамаслаҳат бир битимга келишни кўзда тутган таклифларни илгари суриш ва амалга оширишга даъват этади».

Ғарб давлатларининг Мисрга таҳдид қилишларига қарши

ЖАКАРТА, 13 сентябрь. (ТАСС). Индонезия матбуоти Сувайш канали тўғрисидаги масала муносабати билан Англия ва Франциянинг Мисрга таҳдид қилаётганлигини қораламоқда. «Републик» газетаси шу муносабат билан қуйидагиларни ёзади: Эндиликда жаҳон аҳамиятига эга бўлган ишлар тўғрисида Англия ва Франция капиталистлари эмас, балки ана шу мамлакатлардаги ва бошқа мамлакатлардаги халқлар қатъий сўзни айтадилар. Африка ва Осиё халқлари, деб ёзади газета, Сувайш каналининг национализация қилиниши мустамлакачиликни тугатишдан дарак беради, деб ҳисоблашмоқдалар. Шу сабабдан, мазкур халқлар бунга қаршилик кўрсатишни мустамлакачиликнинг тугатилишига қаршилик кўрсатиш деб қарайдилар.

ЛИВАН ҲУКУМАТИ МИСРНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАКЛИФИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

БАЙРУТ, 13 сентябрь. (ТАСС). Газеталар Миср ҳукуматининг шу йил 10 сентябрдаги нотаси тўғрисида Ливан ҳукуматининг расмий ахборотини босиб чиқардилар. Бу ахборотда Ливан ҳукумати Миср ҳукуматининг нотасини тамомила қўллаб-қувватлайди, дейилади.

«Адолат ва тинчликни севаётган барча миллатлар, — дейилади ахборотда, — Миср ҳукуматининг нотасини маъқуллаб кутиб олишлари керак, чунки бу нота Мисрнинг БМТ Устави принципларини ҳурмат қилаётганлигини, шунингдек унинг халқаро ҳамкорлик ёрдами билан Сувайш канали проблемасини тинч ҳал этишни астойдил истаётганлигини бутун дунёга исбот қилиб беради».

БМТдаги Миср вакилининг мактуби

НЬЮ-ЙОРК, 13 сентябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги билдиради: Мисрнинг БМТдаги доимий вакили Умар Лутфий 13 сентябрда БМТ бош секретари Хаммаршельдга ва БМТнинг барча аъзоларига юборган мактубида Миср каналда кемалар қатновига халақит бериш йўлидаги ҳар қандай ишлар учун жавобгарликни Англия ва Франция зиммасига юклайди, деб билдирди. Агентликнинг билдиришича, мактубда яна қуйидагилар айтилади: «Шундай ҳаракатлар натижасида юз бериши мумкин бўлган уруш ҳолати учун ҳам Англия ва Франция жавобгар бўлади».

Умум палатасида Сувайш канали масаласи юзасидан музокаралар тамом бўлди

ЛОНДОН, 14 сентябрь. (ТАСС). Кеча умум палатасида Сувайш канали масаласи юзасидан музокаралар давом этган пайтда, парламентнинг лейборист аъзоларидан бир қанчаси Қўшма Штатларнинг Ўрта Шарқдаги сиёсатига тўхталиб ўтди. Шинуэлл «каналдан фойдаланувчилар ассоциацияси» тузиш идеяси АҚШ томонидан илгари сурилган, деган фикрни айтди. Сўнгра, Шинуэлл бундай деди: «Мен Америка дипломатиясининг Ўрта Шарқдаги ишларига жуда шубҳа билан қарайман. Қўшма Штатларда бизни Ўрта Шарқдан сириб чиқаришни истаётган кишилар бор деб ўйлайман». «Мен, — деди у, — Англия-Америка ҳамкорлигига қарши эмасман, аммо, улуғ мамлакатимизнинг Америка дипломатияси томонидан ишлатиладиган найрангларда қўғирчоқ бўлиб қолишига қаршиман».

Лейборист Вежвуд Бенн ёркин нутқ сўзлади. У, Миср ҳукуматининг истагига қарши бориб, Сувайш каналини «интернационализация» қилиш мумкин эмас, деб таъкидлади. У, Англия ҳукуматини Сувайш канали масаласида ваҳимани авж олдираётганликда айблади. «Англия шу масала муносабати билан Мисрга ҳужум қиладиган бўлса, бу — агрессия акти бўлур эди», — деди у.

Вежвуд Бенн лейбористларнинг қарсаклари остида бундай деди: Иден ўзининг охирги сўзида Англия куч ишлатмайди, деб ваъда бермаса, лейбористлар оппозицияси ҳукуматга қарши овоз беради.

Лейбористларнинг раҳбари Гэйтскелл лейбористлар оппозицияси номидан охирги сўзни айтди. У, ҳукумат Сувайш канали масаласини ҳал этиш учун куч ишлатмайди, деб ваъда беришни ҳукуматдан яна талаб қилди.

Иден ҳукумат номидан охирги сўзни айтди. У, лейбористларнинг талабига очиқ жавоб беришдан бўйин товлаб, ҳукуматнинг позициясини яна оқламоқчи бўлди. Гэйтскелл унинг сўзини бўлиб қатъий савол берди: «Бош министр ҳукумат Сувайш каналидан куч ёрдами билан ўтмайди, деб ҳукумат номидан ваъда беришга тайёрми?».

Иден бу саволга шундай жавоб қайтарди: «Мен қандай чора кўриш кераклиги тўғрисида Қўшма Штатлар ҳукумати билан бамаслаҳат бир фикрдамиз, деб айтдим (оппозиция: «Жавоб беринг!» деб барала хитоб қилди), мен ҳозир яна такрорлаб айтаманки, Миср ҳукуматига ҳамкорликни таклиф этиш биринчи қадам бўлган эди. Миср ҳукумати ҳамкорлик қилишдан воз кечадиган бўлса, у, 1888 йил конвенциясини бузади, дедим. Миср ҳукумати бу конвенцияни бузадиган бўлса, биз бу масалани Хавфсизлик Кенгашига ҳавола қиламиз».

Шундан кейин Иден умум палатасига мурожаат қилиб, Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиш учун энг қулай деб ҳисобланадиган пайтни бошқа ҳукуматлар билан маслаҳатлашиб белгилашни ҳукуматнинг ўзига топширишга чақирди.

Сувайш канали масаласини ҳал этганда куч ишлатмаслик мажбуриятини олиш масаласига келганда, Иден бундай деди: «Бундай гарантиянинг абсолют гарантия бўлишини истасалар, мен ҳам, Англиянинг шу минбарда сўзга чиқаётган бошқа бирор министри ҳам бундай гарантияни бера олмайди».

Иден нутқидан кейин масала овозга қўйилди.

Лейбористлар оппозициясининг ҳукумат сиёсатини қораловчи тузатиши 321 овоз билан рад этилди, 251 киши бу тузатишни ёқлаб овоз берди.

Ишонч билдириш ҳақида ҳукумат томонидан тақдим этилган резолюция 248 овозга қарши 319 овоз билан қабул қилинди.

ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VIII СЪЕЗДИГА ҚАТНАШАДИГАН КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, 14 сентябрь. (ТАСС). Хитой Коммунистик партиясининг съездига қатнашадиган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг А. И. Микоян (делегация раҳбари), Н. А. Муҳиддинов, Б. Н. Пономаров, И. В. Капитонов, П. А. Сатюков ўртоқлардан иборат составдаги делегацияси бугун Пекинга келди.

Пекин аэродромида КПСС Делегациясини Хитой Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарлари Ло Шао-ци ва Чжу Дэ ўртоқлар, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Дэн Сяо-пин ва Чжан Вэнь-тянь ўртоқлар, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари, Умумхитой касаба союзлари федерациясининг раҳбар ходимлари, шунингдек Пекинга илгари келган қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари кутиб олдилар.

Делегацияни ХКП VIII съездига КПСС делегациясининг Аъзоси П. Ф. Юдин, Пекиндаги Совет элчихонасининг ходимлари, Хитой ва чет эл журналистлари ҳам кутиб олдилар.

Чет элли меҳмонлар Ўзбекистонда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш комиссиясидаги Франция вакили, Миллат мажлисининг ҳозирги вақтда Тошкентда турган депутати Жюль Мок жаноблари рафиқаси билан 14 сентябрда Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетида бўлди. Университет ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Т. А. Саримсоков Ж. Мок жаноблари таълим ва илмий ишларнинг қўйилиши билан таништирди.

Тошкент давлат консерваториясида консерваториянинг директори, СССР халқ артисти Мухтор Ашрафий Ж. Мок жаноблига Ўзбекистонда музика санъатининг ривожланиши тўғрисида гапириб берди.

Ж. Мок жаноблари шу куни Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратида ва Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам бўлди.

* * *

Франция маориф бирлашмасининг бош секретари Ж. Сенез бошчилигидаги Франция ўқитувчилари ва маориф ходимлари делегацияси 14 сентябрда Тошкент тўқимачилик комбинатига борди. Меҳмонлар комбинатининг ишлаб чиқариш цехларида, болалар боғчасида, поликлиникада, тунги санаториясида ва тўқимачиларнинг Маданият саройида бўлдилар.

Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида институт директори тарих фанлари кандидати Ш. Абдуллаев делегация аъзоларига маҳаллий миллатларнан малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида гапириб берди.

Франция ўқитувчилари ва маориф ходимлари делегацияси санъат музейида ва Навоий номидаги Ўзбекистон давлат халқ кутубхонасида ҳам бўлдилар. (ЎзТАГ).

Областимизда

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида яхши жиҳозланган муҳташам клубда радиоузел, меҳмонхона, кутубхона, шунингдек томоша зали бор. Колхозчилар клубда тез-тез бўлиб, маданий дам оладилар, турли тўгаракларнинг машғулотларида иштирок этадилар, янги кинофильмларни томоша қиладилар. **Суратда:** колхоз клубининг ўқишхонасида.

И. Гильдин фотоси.

БҚХВ да 400 киши бўлди

Тошкент область, Паркент районидаги Сталин номли, Ворошилов номли, Молотов номли ва Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан бир группаси яқинда Москвадаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетди. Булар орасида илғор паррандачи В. Ашрапов, сут соғувчи А. Абрамова ва боғдорчилик бригадасининг бошлиғи А. Юсуповлар ҳам бор. Улар виставкада сабзавотчилик колхозлари, совхозлар, чорвачилик фермалари ва боғдорчилик хўжаликларининг илғор ишқ методлари билан таништадилар.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик виставкасига Тошкент, Қўйи Чирчиқ, Боёвут ва бошқа районлардаги колхозларнинг илғор колхозчилари ҳам жўнаб кетдилар.

Умуман, бу йил Тошкент областидаги қишлоқ хўжалик артеллари аъзоларидан 400 га яқин киши қишлоқ хўжалик виставкасига бориб, катта тажрибага эга бўлиб қайтди.

Колхозда хўжалик ва маданий қурилишлар

Калинин районидаги Ворошилов номли колхознинг аъзолари сабзавот, картошка ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда йил сайин янгилан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Колхознинг хўжаликдан олаётган даромади тўхтовсиз ошиб, экономикаси тобора мустаҳкамланмоқда. Бу, колхоз правлениеси ва партия ташкилотига бўлинмас фондга ҳар йили кўпгина маблағ ажратиш ва шу ҳисобдан катта ҳажмдаги капитал ва маданий қурилишларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Кейинги икки йил ичида сут-товар фермаси учун 200 бош сигир сигадиган ва мукаммал механизациялаштирилган янги типдаги уй молхона, 250 тонна сабзавотни тузлаш имконини берадиган бетонлаштирилган камералар, 1800 тонна силос кетадиган 21 иншоот, катта емхашак склади ва электр қуввати билан ишлайдиган тегирмон, 20 автомашина сигадиган гараж, юқори вольтли трансформатор киоскаси, 2 та типовой дала шийпони, шунингдек колхозчилар учун янги типда 200 дан ортиқ уй-жой бинолари қуриб битказилди ҳамда фойдаланишга топширилди.

Биргина ўтган 1955 йили колхозда капитал қурилишга 698 минг сўм сарф қилинди.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Бўлинмас фонд ҳисобидан

Янгийўл районидаги Сталин номли колхозда бўлинмас фонд ҳисобидан аҳолига маданий-маиший хизмат қиладиган кўплаб янги-янги бинолар қад кўтармоқда.

Фақат ўтган йили колхозда бўлинмас фонд учун 2,3 миллион сўмга яқин пул ажратилган эди.

Колхозда ана шу жамгарилган пуллар ҳисобига кўплаб жамоат ҳамда маданий-маиший бинолар қурилди.

Бу йил колхозда бир миллион сўмликка яқин маблағ сарфланиб, ёзги клуб, яхши ускуналанган темирчилик устахонаси, янги молхона, 2 ясли, омборхона каби 18 та бино қуриб битказилди ва ишга туширилди.

Шунингдек, колхозчилар учун ҳам янги типда 35 та уй қуриб берилди. Қурилишлар давом этмоқда.

Д. СОДИҚОВ.

„ТУ-104" реактив пассажир самолётлари мунтазам қатнаб турадилар

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги граждан ҳаво флоти Бош бошқармаси 1955 йил май ойидан то 1956 йил сентябрь ойигача граждан ҳаво флоти йўлларида «ТУ-104» типидаги бир неча пассажир реактив самолётнинг узоқ учиш ва эксплуатация қобилиятини синаб кўрди.

Давлат синовлари вақтида ва ҳаво йўлларида учиш ҳамда эксплуатация қобилиятини синаб кўриш даврида «ТУ-104» пассажир реактив самолёти гоят мустаҳкам эканлиги, учиш вақтида яхши хислатларга эга эканлиги ва пассажирлар учун энг зарур қулайликларнинг ҳаммасини таъминлаши аниқланди.

Академик А. Н. Туполев етакчилигидаги конструкторлар коллективи, Ватанимиз авиация саноатининг инженерлари ва ишчилари томонидан яратилган «ТУ-104» пассажир реактив самолёти бутун дунёга машҳур бўлди.

«ТУ-104» совет реактив самолётлари ана шу кўрсатилган даврнинг ичида ички ва халқаро авиа йўлларда кўп марта учдилар. «ТУ-104» самолётлари Лондон, Копенгаген, Цюрих, Прага, Будапешт, Варшава, Бухарест, Пекин аэродромларига, Совет Иттифоқидаги кўп аэродромларга бориб қўндилар ва ҳамма ерда неча ўн минглаб кишиларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб, жуда яхши баҳо олдилар.

«ТУ-104» типидаги биринчи пассажир реактив самолётлар 50 пассажирни ташишга мослаштириб ускуналанган эди. Синовлар бу самолётнинг янада кўпроқ имкониятларга эга эканлигини ва 70 пассажирни ташиб олишини кўрсатди. Авиация заводлари яқин орада «ТУ-104» самолётларини 70 ўринли қилиб ишлаб чиқара бошлайдилар.

«ТУ-104» реактив самолётларида мунтазам пассажирлар ташишга киришиш учун зарур тайёргарлик ишлари тамомланди ва шу йил 15 сентябрдан бошлаб граждан ҳаво флоти йўлларида мунтазам қатнай бошлайди.

«ТУ-104» самолётида герметик кабина бор ва бу самолёт 10-11 минг метр баландликка учади. Унинг соатига максимал учиш тезлиги 1000 километр, крейсер учиш тезлиги 800 километрдир. Пассажирларнинг учиш пайтида самолётда бўлиш вақти поршен двигателли самолётларда учишга нисбатан, 2, 5-3 марта қисқаради.

«ТУ-104» самолётлари даставвал Москва-Иркутск йўлида учабошлайдилар, сўнгра эса Москва-Тбилиси, Москва-Тошкент, Москва-Хабаровск, Прага-Москва-Пекин йўлларида ва бошқа йўлларда учадилар.

Йўлларидаги аэропортларда тўхташ муддатини қисқартириш ва пассажирлар учун қулайлик вужудга келтириш мақсадида пассажирлар самолётларнинг ўзида овқат билан таъминланадилар, бу овқатнинг қиммати билет баҳосига қўшилади. (ТАСС).

Албания футболчилари Ўзбекистонга келди

Албаниянинг «Динамо» жамияти (Тирана) футбол командаси 14 сентябрда Тошкентга келди. Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон пойтахти спорт жамоатчилигининг вакиллари самимий кутиб олдилар. Дўстона равишда албания спортчиларига гулдасталар тақдим этилди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бўладиган вақтлари ичига республика меҳнаткашларининг ҳаёти билан, Ўзбекистон спортчиларининг эришган ютуқлари билан таништадилар. 19 сентябрда матч бўлади. «Динамо» (Тирана) ва «Пахтакор» (Тошкент) командалари учрашади. (ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз соат 4-20 минутгача ҳамма залда ва кеч соат 6-20 минутда (3- залда) **Румянцевнинг иши**, кеч соат 5 дан (1 ва 2- залда) **Сўна.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Оддий кишилар**, кеч соат 6 дан **Катта оила.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 6 гача **Игнатас уйга қайтиб келди.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Тереза Ракен.**

«ИСКРА» — **Ёт қариндошлар.**

«УДАРНИК» — **Сепли тўй.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 08592 «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1522.